Шу азиз Ватан — барчамизники!

Ишонч

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

• 13 февраль 1996 йил, сешанба • № 13 (259)

БИРЖА ЯНГИЛИКЛАРИ

Республика қимматбаҳо қоғозлар биржасида бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 4 та ҳиссадорлик жамоалари қатнашди. Фарғона вилояти «Ўзпаррандасаноат» жамоасининг акциялари 860 сўмдан, Тошкент шаҳар «Ўзқурилишматериаллар» жамоасининг 1024 та акцияси эса 1250 сўмдан сотилди. Сотилган жами 60663 та акциялар суммаси 22732140 сўмни ташкил қилди. Рақамлардан кўриниб турибдики, қимматбаҳо қоғозларнинг бу тури кишиларда катта қизиқиш уйғотаётир.

***

Республика кўчмас мулки биржаси ва унинг бўлимларида ўтган ҳафта давомида 10 та ким ошди савдоси ва танловлар бўлиб ўтди. Ҳафта давомида 180 та ишоотлар сотилди. Шу жумладан 10 та савдо ва хизмат тармоқлари, 10 та турар-жой, 5та қурилиши тугалланмаган иншоот, 128 та ер участкалари ҳамда 23 та автотранспорт қисмлари янги мулкдорлар қўлига ўтди. Шуни айтиш керакки, Хоразм, Андижон, Жиззах ва Фарғона вилоятларида ер участкаларига бўлган талаб ошиб бормоқда. Шу вилоятларда сотилган ер участкаларининг ўзи 4 миллион 772 минг сўмни, жами сотилган иншоотлар суммаси 18 миллион 849 минг сўмни ташкил қилди.

Воқеалар, хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фармонлари билан Алишер Шайхов мамлакатимизнинг Германиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланди, унга биринчи даражали фавқулодда ва мухтор вакил дипломатик мартабаси берилди. Содиқ Сафоев эса бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Узбекистоннинг Германиядаги элчиси вазифасидан озод қилинди.

Миср Президенти Муҳаммад Ҳусни Муборак муқаддас Рамазон ойи муносабати билан Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга самимий қутловлар йўллади.

Асакадаги «УзДЭУавто» Узбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасида яқин вақт ичида ишлаб чиқарила бошланадиган дастлабки ўзбек автомобиллари синови бошланди. Қўшма корхонанинг ўзида эса ҳар бирида соатига 20 та машина йиғиш мумкин бўлган иккита конвейер линиялари синовига киришилди.

«Узбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида Узбекистон билан Финляндия ўртасида ҳаво алоқаси ўрнатиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Бухорода маркетинг маркази иш бошлади.

Етти иқлим нафаси

ҲАМДЎСТЛИКДА

Москвада Ҳамдустлик мамлакатларининг Давлатлараро валюта қўмитаси тузилди.

Шанба куни Қирғизистонда бўлиб ўтган умумхалқ референдумида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган мамлакат фуқароларининг 96 фоиздан кўпроғи иштирок этди. Уларнинг салкам 95 фоизи Президент ваколатларини анча кенгайтиришни ёқлаб овоз бердилар.

Грознийдаги собиқ президент саройи олдида бир ҳафта давом этган митинг тугади. Кеча Чеченистоннинг Шатой шаҳридан Россия федерал қўшинларининг дастлабки қисми чиқарила бошланди.

Олмаотада Қозоғистон пойтахти ва Россия қатор шаҳарлари ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга аҳдлашиб олдилар.

ХОРИЖДА

Америка Қўшма Штатлари янги лазер қуролини муваффақиятли синовдан ўтказди. У билан паст баландликда учадиган тактик ракета йўқ қилинди.

Англия билан Шимолий Ирландия ўртасида 17 ой мобайнида амалда бўлган яраши сулҳи бузилди. Ирландия республика армияси террорчилари Лондоннинг амалий қисмида кучли бомба портлатдилар. Бунинг оқибатида бир неча киши ҳалок бўлди, юздан ортиқ одам жароҳатланди.

Кеча Жазоир пойтахтида иккита кучли портлаш рўй берди. Унинг биринчисидан 41 киши жароҳатланган бўлса, иккинчи бомба портлаши оқибатида 14 киши ҳалок бўлди, 30 киши тан жароҳатлари олди.

Японияда кўчки оқибатида тоғ остидан ўтган тоннель беқилиб қолди. Маъмурлар тоннель ичида қолган 20 кишини қутқариш чораларини кўряптилар.

Босния серблари яна Дейтон аҳдлашувларига амал қилиб, НАТОнинг тинчликни сақлаш кучлари билан ҳамкорлик қилишга рози бўлдилар. Бир неча кун илгари серблар мусулмон ва хорватлар билан музокаралар олиб бориш учун Сараевога йўл олган зобитлари ҳибсга олинганлиги сабабли НАТОнинг бу ердаги тинчликни сақлаш кучлари билан ҳар қандай алоқани узганликларини эълон қилган эдилар.

ИСЛОҲОТЛАР ЎЙЛАРИ

Мустақил диёримизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг биринчи босқичидан эл-юртимиз қониқиш ҳосил этди. Буйруқбозликка асосланган тоталитар-режали иқтисоддан эркин, табиатан демократик бозор ислоҳоти томон шаҳдам қадамлар қўйилди. Кўзимиз ўнгида янги иқтисодий тузум вужудга кела бошлади. Янги мулк шакллари пайдо бўлди, хўжалик юритишнинг бозорча усуллари қарор топа бошлади, иқтисодиётни давлат исканжасидан чиқариб, уни эркинлаштириш кенг қулоч ёзмоқда. Иқтисоднинг нодавлат сектори куч тўплаб, ривожланиб боришининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Юртбошимиз айтганларидек, «Мулкни давлат тасаррўфидан чиқариш, хусусийлаштириш, корхоналарни ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш, иқтисодиётда монополияга барҳам бериш, унинг нодавлат сектори — хусусий мулкнинг шаклланиши ва оёққа туриш жараёнлари юз бермоқда. Нодавлат секторида ишловчиларнинг 64 фоизи банд. Бу ерда саноат маҳсулотининг 44 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 97 фоизи ишлаб чиқарилмоқда.

Ислоҳотлар иқтисодни янгилашга олиб келди, халқимиз уларни қўллаб-қувватламоқда, чунки улар кишилар манфаатини кўзлайди. Кишиларда бепарволик ва боқимандалик ўрнига иқтисодий фаоллик, ўз меҳнати билан фаровонлигини оширишга интилиш сезилиб турибди. Ислоҳотларнинг биринчи босқичидаги силжишлар унинг иккинчи босқичини бошлашга ўтиш учун асос яратди. Янги босқич бошланганига 1,5 йил бўлди. Бу даврда ҳам бир талай ўзгаришлар юз берди. Аммо бу босқичда ҳали ечилмаган муаммолар кўп.

Иқтисодий ҳаёт мураккаб воқелик. Унда бўладиган ўзгаришлар давр тақозоси билан ислоҳотлар стратегияси ва тажрибасига қўшимчалар, тузатишлар киритишни талаб қилади. Иқтисод фанлари доктори, таниқли олим А. Ўлмасов шуни инобатга олиб, ўз илмий изланишлари ва кузатувлари асосида ислоҳотларни баъзи бир йўналишда чуқурлаштиришга оид фикр-мулоҳазаларини газетхонлар билан ўртоқлашади.

Бозор иқтисодиётининг кўп йиллик ривожланиш жараёнида тўпланган тарихий тажриба илмий жиҳатдан умумлаштирилган. Шу асосда бозор иқтисодиётининг ташкил топиши ва ривожланишига оид қонун-қоидалар таърифланган. Ислоҳотларнинг боришига мана шу қонун-қоидалар жиҳатидан ва мамлакатнинг ўз модели мавжудлигини ҳисобга олиб қараш зарур. Шу муносабат билан энг аввало рақобат масаласига тўхтасак. Президент Ислом Каримов таъкидлашича, ислоҳотлар икки босқичда ечиладиган муҳим вазифа «кўп укладли иқтисодиётни ва рағбатлантирувчи рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришдан иборат».

Рақобат бозор иқтисодининг туб белгиси, уни ҳаракатга солувчи куч ҳисобланади. Шуни назарда тутиб, ислоҳотларнинг иккинчи босқичида рақобатчилик вазиятини яратишга катта эътибор берилади. Аммо бу соҳада ечилмаган муаммолар оз эмас.

Кейинги йилларда жамланган тажриба шуни кўрсатадики, рақобат қулоч ёзиши учун хусусийлаштиришни амалга ошириб, янги мулк соҳиблари шакллантиришнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун эркин иқтисодий муҳит бўлиши, яъни иқтисод иштирокчилари ўзларининг нимага қодир эканликларини намойиш этиши учун шароит бўлиши керак. Бу, албатта, маъмуриятчилик усуллари билан сиғишмайди. Аммо рақобатга тўсқинлик қилувчи маъмуриятчилик ҳануз тугалланмаган. Давлат идораларида тадбиркорларга ўзиники ва узганики деб қарашлар учраб туради. Баъзи бир улгуржи савдо билан шуғулланувчи фирмаларнинг монопол мавқеи сақланмоқда. Айниқса, бу пулни конвертациялаш ҳуқуқи бор фирмаларга тегишли. Улар ўртасида тил бириктириб нарх белгилаш ҳам йўқ эмас. Шу сабабли улардан чакана савдога чиққан кўпгина товарларга бир хил нарх белгилаш мавжуд, бу эса бозор қонунларига зид ҳодисадир. Нарх рақобат воситаси саналади. Ҳақиқий рақобат бор жойда нархлар бир хил бўлмайди, бўлиши ҳам мумкин эмас.

Рақобатчилар учун бир хил, яъни тенг шароит яратилиши талаб қилинади, бу эса ҳокимликларнинг ва иқтисодий вазирликларнинг ишидир. Аммо бу соҳада уларнинг шошаётганлари сезилмаётир. Ҳокимликлар рақобатчиларнинг баъзиларига устунлик берса, бошқасини бундан маҳрум этишмоқда. Ислоҳотларнинг биринчи босқичида — кичик хусусийлаштириш юз берганда айрим гуруҳ тадбиркорлар давлат мулкини арзон-гаровга олишга муваффақ бўлдилар, бу билан улар имтиёзли мавқега эга бўлиб қолдилар. Чунки улар бошқаларга нисбатан ўз харажатини камайтириш, шу ҳисобдан кўпроқ фойда олиш имкониятига эга бўлдилар.

Шу муносабат билан кичик хусусийлаштириш чоғида корхоналарга белгиланган нархларни қайта кўриш имкони йўқлигини ҳисобга олиб, бу корхона соҳиблари учун алоҳида солиқ тўлаш тартибини жорий этишни ўйлаб кўриш хато бўлмас. Уларга оширилган даражадаги мол-мулк солигини белгилаш асосида давлатнинг уларда қолиб кетган ҳақини қайтариб олиш, энг муҳими, рақобат шароитини тенглаштириш мумкин.

Рақобат майдони бозор ҳисобланади. Рақобатни ривожлантириш учун бир хил ва ўринбосар товарлар билан савдо қилувчи дўконларни ёнма-ён жойлаштириш зарур, токи харидор ўзига маъқул товарни рақобатчилардан танлаб олиши мумкин бўлсин. Бу ишга ҳокимликлар масъул бўлмоғи лозим. Улар диққатини хориж тажрибасига қаратмоқчимиз. Хориждаги бозор иқтисоди ривожланган мамлакатларда бир хил савдо ва маиший хизмат корхоналари, бир-биридан энг кўп деганда 400 метр оралиқда жойлашсин деган қоида бор. Маҳаллий ҳокимлик бу қоидани қаттиқ назорат қилиб, уни бузишга йўл бермайди. Бизнинг ҳокимликларимиз ҳам шундай йўлдан бориши мумкин.

Ислоҳотларни чуқурлаштириш чораларидан бири рақобатни тартибга солувчи махсус қонунни ишлаб чиқишдир. Рақобат ҳақидаги қонун, унинг мақсад, рақобатлашиш усуллари ва воситалари рақобат кураши қоидасини бузганлик учун жавобгарликни, рақобатчиликни тайинлашда мутасадди идоралар ва ҳокимликларнинг вазифасини аниқ белгилаши керак.

Бу қонун маданийлашган рақобат усулларига, хусусан, нарх рақобати, сифат рақобати ва сервис рақобатига кенг йўл очиб беради. Бу ўта муҳим, чунки ҳозир рақобатнинг маданиятсиз ёввойи усуллари пайдо бўлмоқда, ҳатто унинг ғайриинсоний шакллари ҳам учраб туради. Агар қонун йўли билан рақобат тартибга солинмаса, унинг ёввойи усуллари ривожланиб, иқтисодий жиноят кўпайиши мумкин. Ислоҳотларнинг янги босқичидаги муҳим вазифа — бу ўрта ва кичик бизнесни ҳарёқлама қўллаб, унинг ривожига йўл очишдир. «Ўрта, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш биз учун устивор йўналишдир», деб уқтирди Президент Ислом Каримов. Шу йўналишда пухта чора-тадбирларни амалга ошириш керак бўлади. Ҳозир кичик бизнеснинг учта долзарб муаммоси бор. Биринчиси, капитал (пул) топиш, иккинчиси, янги замонавий технология топиш. Учинчиси, ўз товарлари ва хизмати учун бозор топиш.

Кичик бизнес соҳиблари бу муаммоларни ўзлари давлатнинг ёрдамисиз ҳал этишлари амримаҳолдир. Бизнесни пул билан таъминлаш учун унга арзон кредит бериш зарур. Ҳозирги кредит қиммат бўлиб, уни ишлаб чиқаришга ишлатиш қулай эмас, чунки ҳозирги иқтисодий вазиятда ишлаб чиқаришдан олинган фойда нормаси қарзнинг фоиз ставкаси (даражаси)дан юқори бўлаолмайди. Бас, шундай экан, қарз олиб зарар кўрмаслик учун кредит савдосотиқ ва айниқса чайқовчилик ишида қўлланилади, чунки бу ерда пул айланиши тез содир бўлиб, пулнинг қайтиши қисқа вақтда юз беради, бинобарин, оборот ҳисобидан яхши фойда топилиб, ундан юқори фоизни ҳам тўласа бўлади.

Кредитни арзонлаштириш таклифнинг кўпайишига, бу эса, ўз навбатида кредит заҳираларининг ортишига боғлиқ бўлади. Шу ўринда аҳоли қўлида турган пулни кредит ресурсига айлантириш чораларини кўриш керак. Бу ишда банкдан ташқарида бўлган молия муассасаларини ташкил этиш фойдалидир. Ривожланган мамлакатларда шундай муассасаларнинг пули банклар пулидан кўплигини эслатиб утиш кифоя. Бу муассасалар жумласига кредит ширкатлари, молия уйлари, трест компаниялари, молия компаниялари, инвестиция жамғармалари, пенсия фондлари, майда суғурта ташкилотлари киради. Улар хусусий бўлганидан аҳоли ишончига сазовор бўлади ва кичик миқдордаги пуллар билан ҳам иш юрита олади. Улар айниқса, кичик бизнесга молиявий таянч бўлади, банклар билан рақобатлашиб кредитни арзонлаштиради.

(Давоми 2-бетда).

Бухоро «Зардўз» ҳиссадорлик жамиятига қарашли зардўзлик цехида тайёрланаётган сифатли маҳсулотлар харидорларга манзур бўлмоқда.

Суратда: корхона чеварлари (чапдан ўнгга) Моҳира Обидова ва Олия Тўраева.

Ш. Қиёмов олган сурат.

СЕМИНАР-КЕНГАШ

АЙНИ пайтда республикамиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Маънавий-маданий турмушимизда туб ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси назорат-тафтиш комиссиясида тармоқ касаба уюшмалари марказий қўмиталари ҳамда вилоят касаба уюшмалари кенгашлари тафтиш комиссиялари раисларининг бўлиб ўтган семинар кенгашида ҳам шу нарса алоҳида таъкидланди.

Анжуманни Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси назорат-тафтиш комиссияси раиси Р. Султонов кириш сўзи билан очди. Семинарда УзКУФК раисининг ўринбосари Т. Собитов сўзга чиқиб, назорат-тафтиш комиссиялари ва тафтишчилар олдида турган асосий вазифалар ҳамда мазкур муҳим тадбирнинг таъсирчанлигини ошириш масалаларига тўхталиб ўтди.

Дастур бўйича сўзга чиққан бошқа нотиқлар ҳам Узбекистон касаба уюшмалари XV қурултойи қарорлари асосида тафтишчиларнинг вазифаларини давр талаблари асосида бажариш ҳамда услубларини такомиллаштириш масалаларига тўхталиб ўтдилар. Семинар қатнашчиларига Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси назорат-тафтиш комиссияси томонидан ишлаб чиқилган турли ўқув қўлланмалари ҳамда тавсияномалар тарқатилди. Иштирокчилар узаро фикр айирбошлаш жараёнида бундай йиғилишлар вилоятларда режа асосида ўтказиб турилиши мақсадга мувофиқлигини таъкидладилар.

Н. РАФИҚОВ.

Иқтисодиёт хабарлари

ГАЗ УЗЛУКСИЗ ЕТКАЗИБ БЕРИЛМОҚДА

Қиш-қировли кунларда иссиқ-қина хонада истиқомат қилаётган киши ҳозирги ҳузур-ҳаловатининг бош сабабчиларини ҳеч ўйлармикан? Уларни эслаб кўрдимикан?! Ўйлашга ҳожат бўлмагандир балким, дерсиз. Тўғри, аммо мавруди келганда эслаб, улар ҳақида илиқ гаплар айтиб қўйиш фойдадан холи эмас.

Ғаллаорол газ ишлаб чиқариш ва газни қувурлар орқали узатиш бошқармаси жамоаси зиммасига катта масъулият юкланган. Жамоа Жиззах, Сирдарё вилоятларининг шаҳар ва туманларига, қишлоқларига, Қозоғистон Республикасининг Ettисой, Пахтаорол, Киров туманларига, Тожикистон Республикасининг Хужанд вилоятига, Фарғона водийсига, Қирғизистон Республикасининг бир қанча ҳудудларига ва Бишкек шаҳрига газ оқимини йўналтиради ва унинг етиб боришини назорат қилади.

Ғаллаорол газ қувурлари бош тармоғида ва унинг тизимида 350 дан зиёд касаба уюшма аъзолари меҳнат қилмоқда, дейди бошқарма касаба уюшма қўмитаси раиси Галиакбар Минибоев. — Бу газчилар 1300 километр масофадаги газ қувурлари ичидаги оқимни-ҳаракатни улчаб, уни ҳар минутда ва ҳар соат сайин назорат қилиб турибдилар.

Жамоамиз бугун Жанубий Қозоғистон йўналишидаги газ қувурларига Э.Снагина, Г.Лобанов, Гулистон шаҳри йўналишига Н.Пятина, Г.Уралбоева, Хужанд йўналишига Э.Тошқуловлар яхши навбатчилик қилиб келаётганлигидан мамнун бўлишса, Мурод Азизов, Виктор Бреус, Бахтиер Исоқов, Андақул Ҳайдаров, Алиқул Абдуҳоликовларнинг фидокорона меҳнатидан ҳақли равишда фахрланишмоқда.

ҚОРАШАҚШАҚ МАРМАРИ

Самарқанд геология қидирув бирлашмаси жамоаси Самарқанд ва Жиззах вилоятида кон манбаларини қидиришни давом эттирмоқда. Янги маъдан бойликларини топишга муваффақ бўлишмоқда. Бирлашманинг Евдокия Юндина бошлиқ «Миришкор» контопарлари Туркистон ва «Молгузар» тоғларидаги текширувларнинг бирида янги мармар конига дуч келишди. Кон заҳираси ҳисоблаб қурилганда 1 миллион 800 минг квадрат метр экан. Тажрибали геолог Виктор Горр коннинг геологик харитасини чизди. Қорашақшақ мармари учун махсус йўл қуриш шарт эмас. Кончилар мармарни қазиб олиш ва уни қайта ишлаш корхоналарига жўнатишда Бахмал туманининг ички йўлларидан ҳам бемалол фойдалана олади.

Кондан қазиб олинган 600 тонна қора мармар Ғазалкентдаги мармарни қайта ишлаш заводига жўнатилиб, сержило плиталар тайёрланяпти.

Сержило мармар плиталар Тошкент шаҳрида қад ростлаётган бир қатор маданий-маиший биноларни безашда қўл келмоқда.

Алибой ЭРГАШЕВ, «Ишонч»мухбири.

ЯХШИНИНГ ШАРОФАТИ МИНГГА

Асакада қурилаётган «УзДЭУ авто» корхонаси Андижон вилоятидаги талай корхоналар фаолиятига жонланиш бахш этди. Ишчи ўринлари кўпайди. Ахир, «УзДЭУ авто»нинг жуда кўп деталлари буюртма асосида тайёрланади-да.

Андижон электр аппаратлари заводи ишчилари ҳам энди бу машҳур автомобил заводининг 55 хил буюртмасини бажаришга киришдилар. Дунёга машҳур ДЭУ автомобиллари учун электр қисмлари ясаш масъулиятини ҳар бир ходим юракдан ҳис қилмоқда. Жаҳон андозалари даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзи буладими?! Андижонда эса «Электроаппарат» заводи каби УзДЭУ ҳамкорлари кўпайиб бормоқда. Узига хос автомобилсозлик мажмуи таркиб топмоқда. Ҳадемай иқтисодий танг кунлар барҳам топса ажаб эмас.

Замира РЎЗИЕВА.

ЯНГИ УРОЛОГИЯ МАРКАЗИ

Наманган. «Электротерьм» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида фаолият кўрсатаётган шифохона бир қатор ички касалликларни, жумладан буйрак ҳасталигига чалинган кишиларни даволашга ихтисослаштирилган. Бош ҳаким Аҳмаджон Мамажонов раҳбарлигида бу борада яхши натижаларга эришилаяпти. Шаҳар ҳокимлигининг қарорига кўра урологик касалликларни даволашни янада яхшилаш, беморларга намунали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида мазкур шифохона яқинда урология марказига айлантирилди.

Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ва юқори малакали шифокорлар билан таъминланган марказ ўз фаолият доирасини кенгайтирмоқда. Вақти-вақти билан тиббиёт илмгоҳларидан мутахассис олимлар таклиф этилиб, уларнинг маслаҳатлари ва тажрибасига қатъий амал қилинаяпти. Шу туфайли марказда урологик касалликларни даволаш муддатлари қисқармоқда.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

МУЛК— ЭГАСИГА, МАДАД — ТАДБИРКОРГА

Бозор ўз қонуниятлари билан ривожланади. Айримларимиз майда ташвишлар билан банд бўлиб, ўз моҳиятига кўра бозорни зарур моллар билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни кенг қўламда ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, сарф-ҳаражатларни камайтириш ва бошқа интенсив омилларга етарлича эътибор бермаяпмиз. Шундай экан, таннарх ҳам, нарх-наво ҳам юқори бўлиши турган гап. Чунки ҳозирча бизда ишлаб чиқариш даражаси паст, танлаш имконияти йўқ. Қолаверса ўз имкониятларимизни етарлича ишга солмай, лоқайдлик, боқибегамлик иллатлари билан курашмай туриб, чет эл инвестицияларини жалб қилавериш тўғримикин? Мўл-кўлчиликка, фаровонликка, ўз мол-мулкимиз ва миллий бойлигимиз манбаларини шакллантиришга осонликча эришиб бўлмайди. Бу ҳатто назарий жиҳатдан ҳам мумкин эмас. Ҳаётнинг ўзи ҳозирги кунда «Биз бой бўлсак, мамлакатимиз ҳам бой бўлади», деган шиорни илгари сураяпти. Давлат мулкдорлар сафини кенгайтириш учун ўзига боғлиқ бўлган барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Президентимиз И. Каримов Олий Кенгашнинг XVI сессиясида шундай деган эди: «Бугунги кундаги энг муҳим ва ҳал қилувчи вазифа — мулкни давлат тасаррувфидан чиқариш, хусусийлаштириш ишларини охирига етказиш, мулк шаклини ўзгартириб, уни ўз эгасига топшириш, деб биламан».

Бу муаммонинг ечимини топиш учун кўпчилик давлат корхоналари очиқ турдаги ҳиссадорлар жамиятларига умид боғлашмоқда. Тижоратчиликда нима ишлаб чиқариш эмас, балки ишлаб чиқарилган маҳсулот (товар)ни қандай қилиб сотиш асосий масаладир. Бу борада хорижий корхона ва фирмаларда катта ҳаётий тажриба тўпланган. У ёки бу муаммони ҳал этишда улар ишлаб чиқаришни уюштиришнинг самарали имкониятларидан кенг фойдаланишга интиладилар. Биздаги айрим мутахассисларнинг фикрича, фойда ва бошқа даромадларни «бегоналар» билан бўлишмаслик учун корхонани очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятидан кўра кўпроқ ёпиқ турдаги жамиятларга айлантириш манфаатлироқ. Бунга қўшилиб бўлмайди. Сотувчи баҳоларнинг ўсиб боришини, бозордаги кўтарилиб-пасайишларни ҳисобга олмаслиги мумкин эмас. Бозор таваккалчиликни хуш кўрмайди. Бу гап хусусийлаштириш жараёнига ҳам тааллуқлидир. Яъни корхоналарни ҳиссадорлик жамиятига айлантиришда «бегоналар»ни қўшмасликка интилиш яққол кўзга ташланаяпти.

Олдиндан айтиб қўя қолайлик: бу нотўғри ва адолатсизликдир. Чунки, ҳозирда мавжуд давлат корхоналари ўша корхона жамоаси ёки уларни сотиб олган тадбиркорларнинг маблағлари эвазига ташкил топган эмас. Балки бизга маълум бўлган узоқ «социалстик қурилиш» даври давомида меҳнаткашлар томонидан барпо этилган эндиликда давлат мулкни ҳақиқий эгасига қайтариб беришга ҳаракат қилмоқда. Бундай ҳолда ҳиссадорлик корхонаси, фирма ёки компания ўз акцияларини чиқарибгина қолмай, балки зарур моддий базасига ва қонунчилик асосига ҳам эга бўлиши шарт. Мулкни демократлаштириш ва ҳиссадорлаштириш стратегиясини қўллаб-қувватлаган ҳолда акцияларнинг тўлиқ сотилишига эришиш муҳимлигини таъкидламоқчимиз. Бироқ биз бу ерда «Сизнинг омадингиз-акцияларда» ёки «Акция сотиб олсангиз, бой бўласиз» мазмунидаги реклама пардасини назарда тутаётганимиз йўқ.

Гап акцияларни сотиб олишда халқнинг фаол иштироки, ҳиссадорлар билан акция эгаларининг даромадлари, бу муҳим ишда ҳар қандай кўзбўямачилик ва расмиятчиликка йўл қўймаслик тўғрисида бормоқда. Дастлабки босқичда ҳиссадорлик жамиятининг иш фаолияти тегишли бошқарув органлари томонидан назорат қилиб борилиши, хўжалик юритишнинг мақбул ҳуқуқий асослари излаб топилиши керак. Бироқ назоратни кўпинча ҳаётда учраб турадиган тўрачилик ва буйруқбозлик асосида эмас, балки амалий ёрдам, мавжуд муаммоларнинг ечимини самимий ва дўстона кўрсатиш асосида йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Ҳиссадорлаштириш жараёнида юз бериб турадиган сусткашлик аввало тажрибанинг йўқлигидан, қолаверса ишга нотўғри муносабатдан келиб чиқади.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар, мулкни демократлаштиришдан асосий мақсад халқ фаровонлигини ошириш экан, бу борада қатъият ва талабчанлик билан иш олиб боришимиз лозим. Акция сотиб олишни истаган ҳар бир киши учун қулай жой ва вақт бўлиш муҳимдир. Фикримизча, бунда ҳаммага маълум бўлган ютуқ заёмларини сотиш тажрибасидан фойдаланиш мумкин. Ғарбдаги фирма ва компаниялар нафақат ишлаб чиқаришга қўйган капиталлари, балки акция капиталини харид қилувчи мижозларига қулайлик ва имтиёзлар яратиш эвазига ҳам мўмай даромад оладилар.

Ва ниҳоят, мулкчилик шаклидан қатъий назар, ҳар бир корхона, ташкилот тўлақонли ишлаши, шунингдек жамиятга фойда келтириши зарур. Фақат бу масалани ҳал этиш осон эмас. Мол-мулкни ўз эгалари қўлига топшириш бозор муносабатларини чуқурлаштиришда катта қадамдир. Иккинчи муҳим қадам бу — мулк эгалари (корхона) томонидан амалга ошириладиган қатъий ҳаракат дастури бўлиб, у мавжуд қувватлардан ва барча турдаги ресурслардан оқилона фойдаланишни кўзда тутади.

Э. МАҲМУДОВ, иқтисод фанлари доктори.
Х. ҲАКИМОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети иқтисодиёт назарияси кафедрасининг ўқитувчиси.

ЯНГИ ГАЗЕТАЛАР

«ОСИЁ БОЗОРИ»

«Узбекистон овози» рузномасининг иқтисодий, реклама — аҳборот иловаси ана шундай аталади. Унда республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи, хусусийлаштириш жараёнларининг бориши, тадбиркорлик ва ишбилармон кишилар фаолиятидаги ютуқ ҳамда муаммоларни таҳлил қилиш ва шарҳлашга оид материаллар кенг ёритилади. Шунингдек ранг-баранг рекламалар бериб борилади.

«Осиё бозори»нинг биринчи сонида Узбекистон Республикаси Халқ банки бошқаруви раиси Нуриддин Мухитдинов билан суҳбат, янги намунадаги АҚШ долларининг муомалага киритилишига бағишланган шарҳли материал, жаҳон банки ҳақида савол-жавоб, қўшма корхоналар фаолияти, тадбиркорлик ишларига оид рекламалар, хафталик кўрсатувлар телесдастури, мунажжим башорати ва бошқа хилма-хил мақолалар, хабарлар чоп этилган.

Илова иқтисодий масалалар, тадбиркорлик фаолияти билан қизиқувчи кишиларга мўлжалланган.

«ЭКО»

Янги ҳафталик рузнома — «ЭКО»нинг биринчи сони босмадан чиқди. Бу рузнома асосан тадбиркорлар, бизнесменлар, бухгалтерлар ва иқтисодчиларнинг давлат таркибига кирмайдиган шуъбаларида ишловчилар учун мўлжалланган. «Правда Востока» рузномаси таҳририяти — «ЭКО» таъсисчисидир.

Рузноманинг номидан унинг асосий мавзу доирасини билиб олиш қийин эмас. «ЭКО» — (экономика, консультация, объявления), яъни иқтисодиёт, маслаҳатлар, эълонлар, демакдир.

Ҳафталик саҳифаларида товарлар бозори ва хизматлар кўрсатишга оид шарҳлар, юридик маслаҳатлар, турли хил эълонлар, иқтисодиёт соҳасидаги янгиликлар, халқаро савдо-сотиқ ишларини акс эттирувчи материаллар ва бошқа ахборотлар бериб борилади.

Ф. ТЕМУРОВ.

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛЛАРИ

(Боши 1-бетда).

Мамлакатимиздаги миллионлаб томорқа хўжалиги соҳибларини, якка тартибда ишловчиларни, кичик корхоналарни қарз бериш орқали пул-капитал билан таъминлашда ҳам юқоридаги тузилмалар муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Шуни ҳисобга олсак, хусусий молия институтлари, яъни муассасалари ва уларнинг фаолияти тўғрисида ҳам махсус қонун бўлиши талаб қилинади. Бу қонун кичик молия институтларининг вазифаси, уларнинг пул манбалари, молиявий заҳираларни ишлатиш тамойиллари ва тартиби, ўз таъсисчилари ва мижозлари олдидаги жавобгарлигини белгилаши керак. Бу тадбир кичик бизнесни пул билан таъминлаши мумкин, аммо у бу пулни реал инвестицияга айлантира олмайди. Шу сабабли кичик корхона ҳамда хўжаликларни кичик ва мукаммал технология билан таъминлаш чораларини кўришга тўғри келади.

Технология муаммосини, бизнингча, уч йўл билан ҳал қилса бўлади. Биринчидан, мамлакатдаги валюта заҳираларининг бир қисмини ихчам технологияни сотиб олишга қаратиш керак. Иккинчидан, лизинг ишларини йўлга қўйиш лозим. Учинчидан, қишлоқда механизация воситаларини вақтинча ва навбат билан ишлатиш учун берадиган махсус техника пунктларини очиш керак. Булар 20-йилларда ташкил этилиб, якка деҳқон хўжаликларига яхши хизмат қилган. Буларнинг зарурлиги шундан келиб чиқадики, кичик корхоналар қимматлиги туфайли серчиқим технологияни сотиб олабилмайдилар. Шу сабабли уларни ижарага олиб ишлатиш қулайлик туғдиради. Ихчам технология эса сувдек зарур, бусиз кичик бизнес бозорда рақобат қилаолмайди, чунки сифати жиҳатидан харидоргир товарларни чиқараолмайди. Айтилган муаммоларнинг ечилиши ҳам махсус қонунни талаб қилади. Хусусан, лизинг ҳақида қонун бўлса, унинг ривожига йўл топилар эди.

Тадбиркорлик ишига валюта заҳиралари ҳам хизмат қилиши мумкин. Сўмга валюта сотиш уни конвертациялаш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Маълумки, 1995 йил сотишга чиқарилган валюта 1,5 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди, яъни 1994 йилдагига нисбатан 13 марта кўп бўлди.

Валютанинг сотилиши ташқи иқтисодий алоқаларга кенг йўл очди, чет эл капиталини Узбекистонга қўйилишини рағбатлантирди. Аммо, бу иқтисод учун барибир бир мунча ёқимсиз нарсаларни ҳам юзага келтирди. Бу ерда гап валютанинг тезоврация воситаси, яъни унинг муомаладан чиқиб, айрим кишилар қўлида йиғилган бойлик (хазина)га айланиб қолиши воситаси ҳақида бораётир. Қаттиқ валюта энг юқори ликвидликка эга, яъни ҳамма ерда қабул қилинади, хоҳлаган вақтда бошқа турдаги бойликка айланиши мумкин. Бу уни бойлик жамғаришнинг энг қулай воситасига айлантирди. Эркин валюта бозори ноқонуний йўл билан йиғилган пулни оборотдан чиқариб олиб, яширин бойлик ҳосил бўлишига ҳам йўл очади. Бу билан биз асло валюта бозорини ёпишни тавсия этмоқчи эмасмиз. Йўқ, асло. Бу бозор иқтисоди учун жуда зарур.

Гап валюта бозорини тартибга солиш устида бораётир. Бизнингча, валютани эркин сотишни мақсадли қилиш зарур. Валюта биринчи навбатда хориждан технологияни, зарур ашёвий ресурсларни сотиб олиш, ноёб мутахассисларни жалб этиш, энг зарур истеъмол товарларини келтириш, чет эл капитали Узбекистонда топилган фойданинг репатриацияси учун сарфланмоғи керак. Фирмалар ва якка ижрочиларга сотилган валюта билан улар келтирган товарларни миқдоран мослигини давлат назоратига олиш маъқул. Валютани аҳолига мақсадини суриштирмай-нетмай сотиш хўжалик оборотини долларлаштиришга кўмак беради. Ҳозир аҳоли орасида кўчмас мулк, қимматбаҳо товарларни фақат долларга сотилиши одат бўлиб қолди, бу билан миллий сўм пул сифатида сиқиштириб қўйилмоқда.

Сўмни мақсадли конвертациялаш эса уни ички бозорда тўлов воситаси сифатидаги мавқеини мустаҳкамлайди. Унга ўтиш, ҳар эҳтимолга қарши қадрини сақлаш мақсадида валютага айлантириш учун мўлжалланган пулнинг банкка қўйилишини таъминлайди. Гап шундаки, инфляция шароитида ундан сақланишнинг муқобил усуллари бўлиб, аҳоли уларнинг энг маъқулини танлайди. Валюта сотиб олиш ёки пулни банк омонатига қўйиш бир-бирининг ўрнини босадиган усуллар бўлади. Улардан бири қулай бўлмаса, албатта бошқасига ўтилади. Буни инкор этиб бўлмайди, албатта, чунки иқтисодда муқобил танлов қоидаси ҳар доим амал қилади.

Шубҳасиз, Узбекистоннинг экспорт қуввати ошиб, етарли валюта заҳиралари ҳосил бўлганда сўмни мақсадли конвертациялашга ҳожат қолмайди, лекин бу келажакдаги гап, ҳозир эса қаттиқ валютанинг етишмаслиги очиқойдин сезилиб турибди.

Тадбиркорлик учун қулай нархлар мавжуд бўлган бозор ўта муҳимдир, чунки у режали эмас, балки бозорга қараб ишлайди. Бозордаги нархларнинг қулай ёки ноқулай бўлиши кичик корхоналар ва майда хўжаликлар аҳволини ўзгартириб, уларни ривожланиб кенгайишига ёки танглигига олиб келади. Шундай вазиятда ишловчилар оз эмас. Ҳозир Узбекистонда тахминан 4,2 млн. оила бўлса, шундан камида 3 млн. оила томорқа хўжалигига эга. Аҳоли қўлида 700 минг гектар ер бор. Республикада 32 мингта кичик корхоналар бор, улар ишлаб турибди. Минглаб кишилар патент билан якка тартибда ишлайди.

Миллионлардан иборат майда ишлаб чиқарувчилар ноаниқ бозорни мўлжаллаб тадбир юритадилар. Улар нимани ва қанча ишлаб чиқариш зарурлигини аниқ билмасдан чамалаб ва таваккалига ишлайдилар. Бозордаги нархларнинг, бинобарин талабнинг ноаниқлиги уларни қийин аҳволга солмоқда. Улар товарларини маъқул нархда сота олмай, зарар кўрмоқдалар. Шундай ҳодиса 1995 йили кўп жойларда маҳаллий мева-сабзавот бозорининг касодлиги туфайли юз берди. Натижада кўпгина оилалар яхши даромад олабилмади.

Узбекистонда бозор муносабатлари энди шаклланмоқда, шу сабабли ўрганилган, қандай ўзгаришини олдиндан билса бўладиган ва унга мослашиши мумкин бўлган бозор ҳали йўқ. Бозордаги ноаниқлик маркетинг хизматининг, мослашиб ишлашини уюштирувчи хизматнинг аҳамиятини бениҳоя оширади. Аммо майда ишлаб чиқарувчилар ўзларига шундай хизмат кўрсатаолмайдилар. Бу ишни уларнинг ширкатлари бошқариши мумкин. Шу ўринда 20-йилларда деҳқонларни бозор билан боғлаб, уларга хизмат қилган пахтакор, пиллачи ва чорвадор ширкатларини эсга олиш кифоядир.

Майда товар ишлаб чиқарувчиларнинг кўпчилик бўлиши Узбекистоннинг хусусияти, улар истеъмол молларининг каттагина қисмини бозорга етказиб беришга қодир. Шу ишни уддасидан чиқиш учун уларнинг вилоят ва туманлар доирасидаги ассоциацияси (уюшмаси)ни, қишлоқларда эса ширкатларини ташкил этиш керак. Буларни фермерлар уюшмаси билан аралаштириш ярамайди, булар томорқа хўжалиги соҳибларининг бирлашмаси бўлиши керак. Уларнинг асосий вазифаси майда хўжаликларга нимани ишлаб чиқариш юзасидан тавсиялар бериш, уларга яхши бозор топиб бериш, улар маҳсулоти экспортини уюштиришдан иборат бўлади. Улар қошида кучли маркетинг марказлари бўлиши зарур.

Ассоциация ва ширкатлар ташқи мева-сабзавот бозорини эгаллашга хизмат қилишлари мумкин. Шу ўринда Шимолий ва Шарқий Қозоғистон, Урал, Шарқий ва Ғарбий Сибирдаги мева-сабзавот бозорини Узбекистон деҳқонлари эгаллаб олсалар айни муддао бўлур эди. Агар бу иш кечиктирилса, айтилган бозорларни бошқалар эгаллаши турган гап. Ассоциация ва ширкатларнинг стратегик вазифаси ишончли ва истиқболи бор бозорга кириб олишдан иборат бўлмоғи керак. Шу муносабат билан томорқа соҳибларининг ширкатлари ва улар уюшмаси тўғрисида ҳам махсус қонун қабул қилинса, бу ислоҳотларни чуқурлаштиришга хизмат қилар эди.

Мазкур мақолада биз бозор ислоҳотларининг айрим жиҳатларига оид баъзи бир мулоҳазаларни газетхонлар эътиборига ҳавола қилдик. Уйлаймизки, улар ҳам ўз таклифларини ўртага ташлайдилар. Шу йўсинда ва ҳамжиҳатлик билан ислоҳотларни янада чуқурлаштириб мустақиллигимиз учун хизмат қилувчи етук бозор муносабатларини шакллантиришга муваффақ бўламиз.

А. ЎЛМАСОВ,
Тошкент молия институти проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ

Мустақил юртимиз ўзининг ҳақиқий қаҳрамонларини камол топдирмоқда. Учинчи муборак нишон республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан фарғоналик оддий пахтакор Комилжон Мамажоновга насиб этди. Хўш, унинг қандай фазилати бор-у, нима учун республика деҳқонларидан биринчи булиб «Узбекистон қаҳрамони» унвонига сазовор булди?

Комил ака аввало жуда камтар, камгап, меҳнатсевар инсон. Унинг ота-боболари ҳам миришкор деҳқон бўлишган. У ҳозир 56 ёшга тўлган бўлса, шунинг қирқ йилини пахтачиликка бағишлади. Нуқул аъло нав, юқори центнер ҳосил топшириш, чин фидойилик унинг учун одат тусига айланган. Лекин чарчаш нима билмайди. Йилда бир марта касаба уюшмаси берган бепул йўлланма билан бирор курортга бориб келадию, тамом, яна бутун вужудини пахтага бағишлайди.

Ойимчахон опанинг гапларини тинглангa:

— Комил акангиз пахта учун туғилган. Саҳарлаб туриб, далага ошиқадилар. Кеч хуфтонда қайтадилар. Долзарб кунларда дала шийпонида кечаси ҳам қолиб кетадилар. Бир умр шу аҳвол... Комил ака умр йўлдошининг бу гапига майин жилмайиб қўя қолади. Алп қоматли, жуссасидан куч-қудрат ёғилган, оёғидан кирза этиги эгнидан коржома тушмаган уста деҳқонни биз марказий Фарғона чўлларига борган кеч куз кунларида ҳам даладан топдик. — Ҳалиям ташвишингиз кўпми, Комил ака? Сизни раҳбарлар мақтаб: «115 гектар ердан баракали ҳосил етиштириб, беш кунда маррага етди». Режани 130 фоиздан оширди, 45 центнердан пахта топширди. Ерни шудгордан чиқариб қўйди», дейишди. Яна далада қандай юмуш бор?

Бригадир чиройли сўзлар ахтармади:

— Ерларимизнинг тузи кўп, — деди у соддағина қилиб, — ҳар йили қишда яхоб бериб, шўр ювамиз. Шунинг учун шудгорни текислаб қараталарга бўлиш, эгат олиш керак. Сув йўлларини тозалаш зарур. 25 гектарга буғдой экканмиз, пайхон бўлмаслиги учун кўз ташлаб туриш керак. Хуллас, иш топилади...

— Пахтангизнинг эрта очилиб, центнернинг доим юқори бўлишига сабаб нима?

- Эрта эккан — эрта ўради, — деди у лўнда жавоб бериб, — чигит экишда эса мослама ихтиро қилганмиз, уруғни санаб ташлайди. Демак, яна яганага ўрин йўқ. Бошқалар бир гектарга 100-150 килограмм чигит сарфласа, бизда 25 килограмм кифоя. Парвариш даврида тракторчи йигитлар Рустамжон, Музаффаржон, Маҳмуджонлар жуда хушёр, пухта ишлашади. Ҳамзахон билан Мардонали суғоришнинг пири. Теримчи қизларим миришкор. Хуллас, деҳқон пахтанинг ёнидан жилмаса барака бўлаверади.

— Албатта, Ойимчахон опа айтганларидек, аввало ўзингиз шахсий намуна кўрсатасиз ва улар сизга эргашишади. Қолаверса, одамларнинг ош-овқати, меҳнат шароитини яхшилаб қўйгандирсиз-ки, шунга яраша меҳнатлари ҳам унумли.

— Ҳа, дала шийпонимиз замонавий қурилган. Ҳовлида ҳовуз бор. Ёзда салқин, дарахтлар кўп. Булғор қалампиридан тортиб, картошка, сабзи-пиёз, қовун-тарвузгача ўзимиз етиштирамиз. Мавсумий боғчамиз бор. Дала шийпонида доим иссиқ овқат бўлади. Худо хоҳласа бу йил ҳам деҳқонлар мўмай иш ҳақи олишади.

— Жамоа хўжалигига Холмат Марозиқов номи берилган. У кишини сиз яхши билармидингиз?

— Раҳматли Холмат ака бизга устоз эдилар. Шу хўжаликни 59-йили чўл қувиб, ташкил этганлар ва бир умр раислик қилдилар. Бутун қурилишлару ободончилик шу кишининг номи билан боғлиқ. Меҳнат Қаҳрамони бўлганлар. Устознинг ҳаёти, меҳнати, инсонпарварлиги биз учун ҳам, изимиздан келаётган ёшлар учун ҳам ибрат мактаби бўлиб қолади. У кишининг номига муносиб ишлаш ҳам қарз, ҳам фарз.

— Яшанг, Комил ака! Республикамиз Сиздек ҳимматли пахтакорлари билан, Сиз эса шу азиз Ватанни ардоқлаш билан фахрланиб юринг. Хирмонингиз доим юксак бўлсин!

Санъат МАҲМУДОВА,
«Ишонч» мухбири.

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

Саволларга ҳуқуқшунос Мастура ҲОЖИМАТОВА жавоб беради

63 ёшдаман. 5 нафар фарзандни ўстириб вояга етказдим. Ҳеч қаерда ишламаганман. Менга қарилик пенсияси тайинлашларини сўраб ижтимоий-таъминот бўлимига учрашсам, рад жавобини беришди. Шу тўғрими?

Мухтабар ОТАБЕКОВА,
Фарғона шаҳри.

Ҳурматли Мухтабархон ая! 1994 йил 1 июлдан кучга кирган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга асосан меҳнат стажига эга бўлмаган шахсларга пенсия тайинлаш кўзда тутилмаган. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги «Болаликдан ногиронларга, қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш тартиби» ҳамда «Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги 319-сонли қарорига асосан иш стажи йўқ ёлғиз шахсларга:

эркаклар 65 ёшга, аёллар эса 60 ёшга етганларида нафақа тайинланиши мумкин.

Бир йўла яна шуни эслатиб ўтмоқчиманки, меҳнатга қобилиятсиз ушбу шахсларга, агар «Никоҳ ва оила тўғрисида»ги Кодексга асосан уларни боқишга (моддий ёрдам кўрсатишга) мажбур, лекин ўзлари моддий ночорлиги туфайли бу ёрдамни кўрсата олмайдиган қариндошлари бўлган ҳолларда ҳам пенсия тайинлаш мумкин. Сизнинг 5 нафар фарзандингиз бор экан. Шунга кўра Сизга қарилик пенсияси тайинлашга асос йўқ.

Ўғлим Алишер Ҳасанов 22 ёшда. Ҳеч қаерда ишламаган. Мактабни тугатгандан сўнг касал бўлиб, шифохоналарда даволанди. Ҳозирги кунда 2-гуруҳ ногирони.

Ўғлимга нафақа тайинланадими?

Ш.ҲАСАНОВ,
Тошкент вилояти.

Амалдаги Қонунга асосан меҳнат стажига эга бўлмаган, умумий касалликдан 2- гуруҳ ногиронлигига чиқарилган шахсларга пенсия тайинлаш кўзда тутилмаган. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 24 июнда тасдиқланган 319-сонли қарорга асосан болаликдан 1- ва 2- гуруҳ ногиронлари бўлганларгагина нафақа тайинланади. Умумий касаллик туфайли 1 ва 2-гуруҳ ногиронларига эса нафақа тайинланмайди.

Демак, Сизнинг ўғлингиз бундай ҳуқуққа эга эмас. Фақат ҳеч кими йўқ ёлғиз 1 ва 2-гуруҳ ногиронларигагина нафақа тайинлаш мумкин.

Турмуш ўртоғим Гулбаҳор Муҳамедова 30 ёшда вафот этди. У ҳеч қаерда ишламаган. 3 нафар вояга етмаган фарзандим бор. Болаларимга боқувчисини йўқотганлик пенсияси олишим мумкинми?

Абдураҳмон МУҲАМЕДОВ,
Самарқанд шаҳри.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги 319-сонли Қарорига асосан меҳнат стажига эга бўлмаган фуқаро вафот этган тақдирда унинг вояга етмаган фарзандларига нафақа тайинланади. Бунда 1 нафар бола учун вафот этган фуқарога тайинланиши мумкин бўлган нафақанинг 50 фоизи, 2 нафар болага 75 фоизи, 3 ва ундан ортиқ болага 100 фоизи миқдорида нафақа белгиланади.

Демак, Сизга 3 нафар фарзандингиз учун 400 сўм миқдорида нафақа тайинланиши керак.

Уруш даврида фронт ортида меҳнат қилганим учун «Шуҳрат» ордени ва «Юбилей» медали билан тақдирланганман. Шаҳар транспортида бепул юришим мумкинми?

Яна қандай имтиёзлардан фойдаланишга ҳақлиман?

Нодир ШУКУРОВ,
Тошкент шаҳри.

Амалдаги қонунга асосан уруш даврида фронт ортида меҳнат қилган фуқароларга қуйидаги имтиёзлар белгиланган:

1. Врачнинг рецептига асосан дорихоналардан дори-дармонларни 50 фоиз арзон нархда сотиб олиш;
2. маиший хизматлардан (электр қуввати, газ, сувдан) фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақнинг 30 фоизини чегириб тўлаш;

Шунингдек, уруш давридаги иш стажи пенсия тайинлашда 2 баробарига ҳисобланади ва пенсия пулига энг кам иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида қўшилади.

Уруш даврида меҳнат қилиб, орден ва медаллар билан тақдирланганларга шаҳар транспортларида таксидан ташқари бепул юриш учун гувоҳнома берилади.

2 - гуруҳ ногирониман, ишламайман. 2 нафар фарзандим бор. Агар ишга кирсам, менга пенсия тўлиқ миқдорда тўланадими?

Эркин АБДУЛЛАЕВ,
Жиззах шаҳри.

Узбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 июнда қабул қилинган «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисида»ги Фармонига асосан ишловчи 2-гуруҳ ногиронларига пенсиялари ишлаб турган жойларидан тўлиқ миқдорда тўланади.

Менинг 2 нафар фарзандим бор. Каттаси 5, кичиги эса 2,5 ёшда. Турмуш ўртоғим билан ажрашганман. Ҳозирда онам билан бирга яшайман. Онам 1 - гуруҳ ногирони. Айни пайтда ишлашга имкониятим йўқ. Болаларимга нафақа бериладими? Онамга қараб турганим учун-чи?

Дилбар ҲАСАНОВА,
Сурхондарё вилояти.

Дилбархон! Фарзандларингизга яшаб турган жойингиздаги ижтимоий-таъминот бўлими томонидан нафақа тайинланади ва тўланади. Нафақанинг миқдори 1996 йил 1 январдан бошлаб 2 нафар бола учун 150 сўм қилиб белгиланган. Ижтимоий-таъминот бўлимига қуйидаги ҳужжатлар билан мурожаат қилишингиз лозим: ариза, паспорт, болаларингизнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасидан нусҳа, яшаш жойингиздан маълумотнома, никоҳдан ажралганлигингиз тўғрисидаги гувоҳномадан нусҳа.

1-гуруҳ ногирони бўлган онангизга қараб турган даврингиз пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Шу йил март ойида 55 га кираман. 27 йил давомида Самарқанд шаҳридаги тери касалликлари шифохонасида врач бўлиб ишладим. ТошМИда ўқиб юрган давримда 4 йил касалхонада кичик тиббиёт ходими вазифасида хизмат қилганман.

Ушбу давр имтиёзли пенсия тайинлашда ҳисобга олинадими?

Шокир ТУРДИЕВ,
Самарқанд шаҳри.

Амалдаги қонунга асосан шифокорларга ҳамда бошқа тиббиёт ходимларига қишлоқ жойларда камида 25 йил, шаҳарда эса камида 30 йил махсус иш стажига эга бўлганларида имтиёзли пенсия тайинланади.

Сиз ўқиш даврингиз давомида 4 йил тўлиқ ставкада кичик тиббиёт ходими бўлиб ишлаган бўлсангиз, бу давр махсус иш стажига ҳисобланади.

30 йил болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлаб келдим. 1993 йил январь ойида қарилик пенсияга чиқиб, шу йил 10 январгача фаолиятимни давом эттирдим. Яқинда ишдан бўшадим.

Пенсиямни охирги 5 йилликдаги иш ҳақидан қайта ҳисоблатишим мумкинми?

Малоҳат АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳри.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга асосан пенсиянгиз қонун кучга киргунча, яъни 1994 йил 1 июлга қадар бўлган иш ҳақидан қайта ҳисобланади ва 1993 йил январдан 1994 йил 1 июлгача ишлаган даврингиз иш стажига қўшилади.

Онам Мухтасархон Алиева 48 ёшда. 6 та фарзандни ўстириб вояга етказганлар. 25 йиллик иш стажлари бор. Ҳозирги пайтда саломатликлари ёмонлиги сабабли ишдан бўшаганлар.

Онамга қарилик пенсияси тайинланадими?

Санобар АЛИЕВА,
Фарғона шаҳри.

Пенсия қонунига асосан 5 ва ундан ортиқ фарзанд кўриб, уларни 8 ёшгача тарбиялаб ўстирган, камида 15 йил ёки болага 3 ёшгача қараб турган даврини қўшиб ҳисоблаганда 20 йил иш стажига эга бўлган аёлларга 50 ёшга етганларида қарилик пенсияси тайинланади.

Онангиз 48 ёшда эканлар, шунга кўра қарилик пенсияси тайинлашнинг имконияти йўқ. Агар соғлиқлари ёмон бўлса, яшаб турган жойларидаги даволаш муассасасига мурожаат этиб, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) кўригидан ўтишларини маслаҳат берамиз. Агар улар ногиронлик гуруҳи белгилашса, онангизга ногиронлик пенсияси тайинлаш мумкин.

Бизнес клуб чорлайди

«БАМИСОЛИ ҒОЯЛАР ҚОЗОНИГА ЎХШАЙДИ»

Биласизми, япониялик ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилиш ниятида мулоқотга киришсангиз, улар одатда, асосий масала четда қолиб, бошқа мавзуларда, масалан, оилавий аҳволингиз, қандай таомларни хуш кўришингиз, қайси ранг сизга кўпроқ ёқиши ҳақида суҳбат қуриб кетишади. Бир қарашда енгил-елпи туюладиган бундай мулоқотлар японлар учун самара бергачгина, улар расмий-амалий ишлар муҳокамасига ўтишади. Немис ишбилармони эса ўзининг муомаладаги «қуруқлиги» ва ишдаги қатъияти билан бошқалардан ажралиб туради. Германиялик ҳамкор ишбилармонлик масалалари ҳал қилинаётган даврада миллий қадриятларга у қадар эътибор бермаса-да, араб мамлакатларидан бўлган ишбилармонлар аксинча, миллий ва диний анъаналарни расмий давраларда ҳам намоён қилиб турадилар. Европанинг деярли барча давлатларида, Шарқда эса фақаттина Японияда масалаларнинг самарали ҳал қилиниши учун «дастурхон» усулидан фойдаланилади, сиртдан қараганда, ишбилармонлик учрашувларининг «дастурхон» усули оддий меҳмондорчиликдан фарқ қилмаса-да, лекин унинг ўзига хос тартиб-қоидалари, меъёрий итизомлари борлигини ҳам унутмаслик керак.

Узбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган Бизнес клуби ишбилармонлик учрашувларининг ана шундай усулларидан биридир. Маълумки, иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган республикамизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хорижий ҳамкорлик билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш жадаллашиб кетди. Ҳозирги кунда Узбекистонда хорижий сармоя ҳисобига ишлаётган компанияларнинг сони 1700 тага етди. Бу юртимизда минглаб хорижий сармоядорлар, ишбилармон ҳамкорлар фаолият кўрсатаяпти, деган гапдир. Ана шу ҳамфикр, маслакдош доираларни бир жойга тўплаш, уларнинг ўзаро дўстона муносабатларини изга солишда «Бизнес клуб»нинг аҳамияти катта. Қолаверса, сўнгги 2-3 йил оралиғида республикамизда хусусий тадбиркорлик билан машғул бўлаётган кишилар тоифаси шаклланмоқдаки, улар ҳам бундай ишбилармонлик учрашувларида иштирок этиб, ўзлари учун янги-янги ҳамкорлар кашф қилишаётир.

Хусусан, бу борада Республика Ички ишлар Академиясининг иқтисод кафедраси мудири Абдуғаффор Ортиқов шундай дейди:

— «Бизнес клуб»нинг ташкил этилиши ҳар жиҳатдан фойдали бўлди. Мен бу ерда ижтимоий табақаларнинг жуда кўп қисми билан танишишга муяссар бўлдим. Клубга ташриф буюраётган олимлар, ёзувчилар, композиторлар, иқтисод соҳасининг таниқли вакиллари ўзларининг қимматли ғоялари билан суҳбатдошларини қизиқтириб қоладилар. Ана шундай дўстона мулоқотлар натижасида янги шартномалар, битимлар тузилишига ишонганим учун бу ерга узлуксиз қатнаб туриш ниятим бор. Қолаверса, кафедрамизда кўпйиллик иш тажрибаларига эга бўлган 10 нафар профессор ўқитувчиларимиз бўлиб, уларнинг кўпчилиги хорижий ҳамкорлар билан ишлаш, жаҳон андозаларига мос тушадиган фаолият турлари билан танишиш истагини билдирган эдилар. Уйлайманки, «Бизнес клуб»га ташриф буюраётган меҳмонлар орасида шундай кишиларни учратишим мумкин.

Канадалик иқтисодчи, ЮНИДО ташкилотининг юртимиздаги вакили Эриксон «Бизнес клуб» ҳақида гапира туриб, «ў бамисол ғоялар қозонига ўхшайди» деб баҳо берди. Эриксон Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида жаҳон иқтисодиётидан маъруза ўқийди. Англияда Кембриж магистратурасини битирган. Бундан бир неча йил аввал Москвада «Гринпис»дай нуфузли иншоотнинг қурилишида иштирок этган.

— Менга ўзбекистонликларнинг ҳар бир вазифага жиддий масъулият билан ёндошуви ёқади. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошираётган халқингизга ишонаман, у юртини обод ва истиқболли қилади.

— Бундай клубнинг ташкил этилиши учун анчадан буён эҳтиёж бор эди, — дейди Инновация ва менежерлар маркази раҳбари Илҳом Каримов. — Республика Давлат мулк қўмитаси, «Бизнес» жамғармаси ва қатор фирмаларнинг саъй-ҳаракати туфайли бу клуб бугунга келиб ишлаб турибди. Навбатдаги вазифа-ишбилармонлар учрашувини янада сермазмун ва хилма-хил шаклда ташкил этишдан иборат.

Дарҳақиқат, яқинда «Бизнес клуб»да бўлиб ўтган «Давра суҳбати» унинг келгусидаги аниқ режа ва вазифаларини белгилаб берди. Жумладан, чет эл маблағини қайси соҳа ёки корхоналарга йўналтириш, унинг ҳуқуқий меъёрлари, чет эл ваколатхоналари, давлат ва нодавлат халқаро ташкилотларининг ахборот билан таъминланиши масалалари «Давра суҳбати»да тилга олинди.

Уйлаймизки, «Бизнес клуб» яқин келажакда хорижий ва маҳаллий ишбилармонларимизнинг ҳақиқий иш жойи — офисига айланиб қолади ва бу масканда илгари сурилган ғоялар республикамиз тарққиётида ўзига хос аҳамиятга эга бўлади.

Н. АЛИМОВ,
Ш. ШОБИЛОЛОВ,
«ИШОНЧ» мухбирлари.

Касаба уюшмаларида

ЭНГ ЯХШИ ДАРВОЗАБОН УЧУН СОВРИН

Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раёсати оммавий ҳамда профессионал футболни тарғиб қилиш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалани кўриб чиқди. Федерация кенгашининг йиллик махсус совриниятаъсис этилди. У олий лига футбол командалари ўртасида мавсумнинг энг яхши дарвозабони деб топилган ўйинчига берилади.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Касаба уюшмалари Хоразм вилоят кенгаши раёсатининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Унда электр тармоқлари корхонаси ва Урганч давлат дорилфунунига қарашли санаторий-профилакторийларнинг фаолияти муҳокама қилинди.

Шунингдек, вилоятдаги бошқа оромгоҳлар ишини яхшилаш, даволанувчилар ва дам олувчилар учун қулай шарт-шароит яратиш, хизмат маданиятини ошириш юзасидан тегишли вазифалар белгиланди.

Йиғилишда савдо ва умумий овқатланиш ҳиссадорлик матлубот жамияти ҳамда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат қонунлари қандай бажарилаётгани ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Раёсат йиғилишида Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари З.Қодиров сўзга чиқди.

Шихназар АҲМЕДОВ.

САНЪАТГА МЕҲР

Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг қарори билан Самарқанд шаҳридаги 37-мактаб қошидаги «Топотушки» болалар хореографик ансамблига «Халқ ҳаваскорлик жамоаси» мақоми берилди.

Мазкур жамоа 5 ёшдан 16 ёшгача бўлган 50 нафар истеъдодли болалар ва ўсмирларни бирлаштирган. Ансамбль 18 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг репертуаридан жаҳон халқларининг кўпгина ўйин ва рақслари ўрин олган.

Бадиий жамоа «Санъат байрами», «Марҳабо, талантлар» республика кўрик-танловларида муваффақиятли қатнашиб келмоқда. «Жўшиб куйла ва ўйна» республика фестивалида эса М.Турғунбоева номидаги мукофотга сазовор бўлди.

Шунингдек, ансамбль иштирокчилари Россиянинг Санкт-Петербург, Москва, Новосибирск шаҳарларида, Латвия, Эстония, Литва, Финляндия ва Исроилда гастролда бўлиб, ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

«Ишонч» мухбири.

ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР

Тошкент шаҳрининг Беруний кўчаси кундан-кунга чирой очмоқда. Бу ерда 9 қаватли, 160 хонали уйлар жадал суратларда қурилмоқда. Қурилиш ишларини 2-уй-жой қурилиши комбинати ва 4- қурилиш бошқармаси жамоалари олиб бормоқда.

Суратларда: участка бошлиғи И. Нурлибоев (чапда) ва бригада бошлиғи Қ. Муҳамедовлар; қад кўтараётган янги турар жой бинолари.

Р. Галиев суратлари

Тадбиркорликка кенг йўл

КОРХОНА ХУСУСИЙ — МАНФААТИ УМУМИЙ

Жиззах шаҳрида ҳам кўплаб корхона ва ташкилотлар давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилмоқда. Мулк ҳақиқий эгаларига — тадбиркорлар қўлига топширилмоқда. Натижада ишлаб чиқариш мароми яхшиланиб, истеъмол бозори барқарорлаша бошлади. Иқтисодиётдаги бу ижобий ўзгаришлар, шубҳасиз, мамлакатимизда ислоҳотларнинг янги, юқори босқичга кирганлиги самарасидир.

Буни «Алишер» хусусий корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Бадиий сопол буюмлар ишлаб чиқараётган ушбу корхона Жиззах шаҳрининг гавжум ҳудудида жойлашган. Унга ишбилармон тадбиркор Низом Бобобеков раҳбарлик қилмоқда.

— Корхонамиз икки цехдан иборат, — дейди Н. Бобобеков. — Бири бадиий сопол буюмлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Унга Ҳаким Убайдуллаев етакчилик қилади. Бу ерда 65 киши фаолият кўрсатмоқда. Цех жамоаси аҳоли эҳтиёжи учун товоқлар, лаганлар, косалар, пиёла ва чойнаклар, гул туваклар, ҳар хил ликопчалар, ёдгорлик буюмлари тайёрлашни кенг йўлга қўйган. Ойлик режалар ошириб бажарилмоқда. Асосий хом ашё бўлмиш лой — Жиззах заминидан олинаяпти. Ранг берувчи буёқлар Россиядан келтирилмоқда. Буюм ва буёқ таркибига қушилгач унинг сифатини оширувчи, ялтироқлигини таъминловчи маҳсулот — глазир Қозоғистоннинг Чимкент вилоятидан олинади.

— Тадбиркорнинг таёғи тошга чега қоқади, — дейди цех бошлиғи Ҳаким Убайдуллаев суҳбатга аралашиб. — Жамоамиз аъзолари ўз касбининг шайдоларидир. Шу сабабдан цехимиз изчил фаолият кўрсатмоқда. Анвар Нишонов, Ният Фозилов, Тоҳир Очиловлар бошлиқ гуруҳлар сифат ва суръатга алоҳида эътибор беришаяпти. Мавжуда Бойқўзиева, Солиҳа Қосимова, Сайёра Кенжаева каби ранг-тасвир усталари сопол буюмларга дид билан турли нақшлар чизиб, маҳсулотнинг гўзал ва кўркам бўлишини таъминлаяптилар.

Бундай жонкуярлар бизда кўп. Даврон Мавлонов, Искандар Ниёзов, қолипловчи ва пиширувчилардан Бахтиёр Шерматов, Олим ака Ҳожиевлар ҳам корхона довругини оширишга бел боғлаган азаматларимиздан.

Цех бир кунда 1200 тагача товоқ, лаган, гул тувак, коса, чойнак-пиёла ва ёдгорлик буюмлари тайёрлашга эришмоқда. Тайёр буюмлар пешма-пеш савдо ташкилотларига жўнатилмоқда. Бундан ташқари цехда турли ташкилотларнинг, корхоналарнинг буюртмалари ҳам бажарилаяпти. Жиззах вилоятининг 20 йиллиги, ижтимоий таъминот тизимининг 75 йиллиги, касаба уюшмаларининг 70 йиллиги, таъмирлаш корхонасининг 50 йиллигига бағишлаб чиқарилган ёдгорлик лаганлари, ликопчалар шулар жумласидандир. Тарихий юбилейларни ўтказадиган ҳар бир ташкилот албатта «Алишер» хусусий корхонаси хизматидан фойдаланади. Бадиий сопол буюмлар ишлаб чиқарувчи иккинчи цех Сайхон қишлоғида жойлашган. Бу ерда 25 киши иш билан таъминланган бўлиб, улар гилам тўқиш ва турли хил буюмлар тикиш билан машғул. Тайёрланаётган буюмлар бозор нархидан арзон бўлганлиги сабабли тезда ўз эгаларини топаяпти. Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги гаплари эсга тушади: «Иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичида энг муҳим ва долзарб вазифа мулкий муносабатларни тубдан ўзгартирмоқдир. Унинг туб моҳияти мулкни ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялашдан иборатдир».

Ҳа, шундай. Хусусий корхонанинг ҳар бир аъзоси буюмлар ва техник жиҳозларга ўз шахсий мулки сифатида қараб, уларни эъзозлаяпти, авайлаб, асраяпти. Корхона хусусий — манфаати умумий, дегани шу бўлса керак.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Алишер Навоий таваллудига 555 йил тўлди

БУЮК МУТАФАККИР ЎГИТЛАРИ

Мусулмон Шарқининг буюк даҳоларидан бири Алишер Навоий васиятлари-ю насиҳатлари, панд-ўгитларининг миқёсини баҳри уммонга қиёсласа арзийди. Буюк мутафаккирнинг илк васияти ва насиҳати туғилиб ўсган, бағрида камолга етган табаррук тупроқ - Ватанни эъзозламоқ, унга меҳр бағишлаб, муқаддас санамоқ ҳамда жон-дилдан севмоқликдан иборат.

Қурраи заминнинг бир парчасида жойлашган Хуросон ва Мовароуннаҳр Навоий учун табаррук тупроқдир. Шоир ўз битикларида уни меҳр-муҳаббат, завқ-шавқ билан куйлади. Навоий назидда, Жайҳун ва Сайҳун оралиғида жойлашган Ватан бағрида дунёдаги ҳамма шаҳарлардан аъло икки шаҳар қад кўтариб турибди: бири Ҳирот, бири Самарқанд! Жайҳун билан Сайҳун муқаддас юрт сийнасидан туну-кун беҳаловот оқиб турувчи наҳрлар бўлса, Ҳирот ва Самарқанд Алишерни тарбиялаб даҳо даражасига етказган азим шаҳарлардир.

Хуросон - «Фалакваш ерининг фазоси» осмондек кенглигию «жаннатасо ҳавоси» билан Искандар подшоҳни ҳам мафтун этган. Хуросондан Мовароуннаҳрга оёқ қўйган Искандар бу юртни «жинон гулшани», яъни жаннат гулзори, деб атаган экан. Навоий Хуросоннинг «жони» бўлмиш Ҳирот (Ҳири)ни, «Самарқанди бемонанд» - тенги йўқ Самарқандни Искандар бино қилган, дейди. Ва «ўлтирмасин унга гарди фано» деб унга боқийлик тилайди. «Садди Искандарий» достонида шоир «Искандарнинг жаҳонгирлик муддаоси билан азм этиб, Хуросонга етиб, Ҳиротни бино қилиб, Мовароуннаҳрни олиб, «Самарқанди бемонанд» тархин тузиб, Кашмир сори мутаважжиҳ бўлғони» ҳақида ёзади.

Қадимий Ватан ҳудудини у Хуросон ва Мовароуннаҳр, Ҳирот ва Самарқанд каби муқаддас маконлар билан чегаралаймайди, балки беҳисоб турк улуси яшаган барча ерларни Ватан деб билади. Бу Ватаннинг номи беҳисоб ижтимоий-иқтисодий гирдибодларни бошдан ўтказган кўҳна Турон эди. Инсоният учун тарихнинг энг қизиқ ва мазмунли нуқтаси - бу Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг яқин ўтмишдаги кечмиши жамланган «Амир Темур ва темурийзодалар даври» бўлди. Турк улуси зодагонларининг ҳокимият тепасига келиши туркий тил, маданият, сиёсат ва иқтисодиётнинг бемисл тараққий этиши билан чамбарчас боғлиқдир. Бу давр жаҳонга Навоий, Бобур, Улуғбек, Али Қушчидек жаҳоншумул даҳоларни туҳфа этди.

Шоир темурийлар даврига алоҳида урғу берар экан, Амир Темур ва темурийзодалар яратган улуғ давлат ва унинг иқтисодий, сиёсий, маданий анъаналарини барқарор давом эттириш, бу йўлда ҳар бир ҳоким, илм-ҳунарли ва бошқа тоифага мансуб кишилар куч-ғайрат сарфлаши, фидоийлик кўрсатиши зарурлиги ҳақида даъватлар қилади. Навоий бу насиҳатларига даставвал ўзи амал қилди, истеъдод-иқтидорини, куч-ғайратини, бор шуурини шу йўлда сарф этди. Умуман улуғ файласуф шоир ижодини улкан ибрат китоби «Насиҳатнома» дегимиз келади. Қомусий бу китобда ижтимоий ҳаёт ҳодисалари қайд қилинибгина қолмай, балки Навоийнинг ўз замонасига, тарихга ва истиқболга бўлган шахсий муносабати ҳам акс этган.

Кўҳна Турон юртида 150 йил мобайнида ҳукмронлик қилган муғулларга қарши халқ ғазаби билан шаҳрисабзлик Баҳодир Тарағай ўғли Темурнинг шахсий-ижтимоий жасорати бирга қўшилиб, Хуросон ва Мовароуннаҳрда қудратли давлат барпо бўлди. Кейинчалик буюк империяга айланган бу давлат ва унинг йўлбошчиси соҳибқирон Амир Темурнинг номи Ғарбу Шарқнинг шонли тарихи саҳифаларидан муносиб ўрин олди. Турк улусидан чиққан Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши билан «Сарбадорлар ҳаракати»ни муаррихлар уйғун тарзда баён этадилар. Зеро, соҳибқирон Амир Темур даврида Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг иқтисодий-маданий ҳаёти бемисл юксалди. Амир Темур мамлакатни идора этиш усулида ҳам, чекка ўлкаларга қилич ҳемраганда ҳам адолатни пеша билди, Ислом шариати қоидаларига қаттиқ риоя қилди. Унинг учун юрт фаровонлиги, эл тўқлиги ва тинчлиги, илм-фан ривожи, ислом дини муқаддаслигидан бўлак мақсад йўқ эди.

Алишер Навоий соҳибқирон вафотидан 35 йил ўтгач дунёга келди. Шу йиллар орасида Амир Темур империяси парчаланиб кетди. Шаҳзодалар мустаҳкам салтанатни ўз қўлларида тутиб қололмадилар. Лекин Шоҳруҳ, Улуғбек замонида Хуросон ва Мовароуннаҳрда иқтисодий-маданий тараққиёт таназзули сезилмайди. Аксинча Амир Темур, Шоҳруҳ, Улуғбек ҳукмронлик қилган даврда Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳаддан зиёд моддий ва маданий бойликка эга бўлганлиги ҳақида Мирхонд, Хондамир, Ибн Халдун, Ҳофиз Абру, Ибн Арабшоҳ, Клавихо, Шарафиддин Али Яздий ва бошқа машҳур муаррихлар ўз асарларида анчагина маълумотлар ёзиб қолдирганлар.

Самарқанд билан Ҳирот йирик маданият ва маърифат марказлари саналарди. Амир Темурдан шаҳзодаларга қолган моддий ва маънавий мерос Хуросон ва Мовароуннаҳр тупроғида илм-фанни ривожлантириш, ҳунар эгаларининг эркин ижод қилишлари учун шароит яратиш, мамлакатни адолат билан идора этиш ва юртда моддий ва маданий бойликларни кўпайтиришга имкон берди. Аммо ҳукмдорлар ўртасида тахт учун бўлган жангу-жадаллар, қонли урушлар Хуросон билан Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-маданий аҳволига путур етказиб, охир-оқибатда уни таназзулга олиб келди.

Алишер Навоий мана шундай оғир вазиятда яшади, ишлади, ижод қилди. У давлат мустақиллиги ва беҳатарлигини сақлаб қолиш мақсадида халққа мурожаатлар, панду насиҳатлар қилди, шаҳзодаларнинг исёнларидан норози бўлиб, уларга мактублар йўллади, кези келганда қўлига қилич олиб жангга кирди, адолатни қарор топдириш учун қиличдан кўра кўпроқ қаламга таянди.

Сарой теварагига тўпланган мамлакат алломаларининг энг салоҳиятли қатлами Абдураҳмон Жомий, Сайид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад Маҳмуд, Аҳмад Ҳожибек, Шайх Сухайлий каби ўнлаб олиму фузалолар Навоийга ҳамкор, ҳамнишин эди. Бу олимлар турли музофотлардан таклиф этилган бўлиб, жумладан Жомий ҳиротлик, Сайид Ҳасан Ардашер шаҳрисабзлик, Паҳлавон Маҳмуд хоразмлик, Аҳмад Ҳожибек ва Шайх Сухайлийлар самарқандлик эдилар.

Навоий Астрободда ҳокимлик даврида дўсти Ҳусайн Бойқаронинг давлатни бошқаришдаги ишларидан хавотирга тушиб, унга мактублар ёзади. Мамлакатни идора этишнинг ҳамма жабҳалари қамралган «Муншоат»да шоир айтади: «Тонгда туриб номоз ўқишга интизом қилинса; ҳарамдан чиққач, эрталаб кишиларнинг арздоди эшитилса; уларга адолат қилинса, кечқурунлари овқат ейилиб бўлгандан сўнг қабулхонада аркони давлат билан мол-мулк ишлари муҳокама қилинса; аркони давлат кунлик ишлардан ҳисоб бериб турсалар; чоғир ичишдан қаттиқ сақланилса; бўш вақтларда кутубхонада қироат қилинса, аркони давлатга, вазирларга, таворих китоблари, хусусан, «Зафарнома» такрор-такрор ўқиб туриш буюрилса, Ироқ мамлакатига ақлҳушли кишилар юбориб, у ердаги ишлардан хабар олиб турилса; девон беклари маҳкамада мусулмонлар ишини тўғри йўлда бўлишига бош-қош бўлсалар, базм ва мажлисларда чоғир ичишга ҳирс қўйилмаса, мажлислар тартиб билан ўтказилса, тайин этилмаган кишилар киргизилмаса; чегараларнинг дарвозалари қаттиқ қўриқланса; бошқа юртлардан келган бозиргонлар, савдогарларга ҳурмат-эътибор кўргузилса, улардан солиқ шариат қонунлари асосида олинса, гуноҳ қилганлар қаттиқ жазоланса ва бу ҳолат бутун мамлакатга тарқатилса...» Бу насиҳатлар маърифий-тарбиявий аҳамияти жиҳатидан Ҳусайн Бойқаро ва ундан кейин юрт сўраган юзлаб, минглаб ҳокимлар учун қанчалик қимматли бўлса, бизнинг кунларда ҳам ўз қадрини йўқотмаган муҳим дастурул амалдир.

Навоийнинг бир туркум насиҳатлари мамлакатдаги ижтимоий табақалар маишати ва аҳлоқи хусусида. Шоир яшаган замонда Хуросон ва Мовароуннаҳрда заминдор бойлар ва деҳқонлар табақаси, шунингдек, бир неча ижтимоий гуруҳлар мавжуд эди. Ҳатто деҳқонлар таркиби ҳам бир неча хил бўлиб, улар ўзига тўқ, ўрта ҳол, чорикор ва корандалар, қуллар тоифаларига бўлинган эди. Навоий «Маҳбубул-қулуб» асарида жамият кишиларининг маънавияти, саводхонлиги, мансаби, аҳлоқий фазилатлари, илми ва диний мақомига қараб тоифаларга ажратади ва уларга тавсия беради. Шоир кишиларни ижтимоий гуруҳларга бўлишда аҳлоқий омилни асос қилиб олади: одамлар яхши ва ёмон ҳислатли бўладилар. Яхшини ёмондан ажрата олиш ҳам бир фазилат, дейди шоир. «Бу хилдаги ҳаёт қийинчиликларини бошидан кечирмаган ҳамсуҳбат ва дўстларни хабардор қилмоқ ва бу ҳоллардан огоҳлантирмоқ лозим кўриндики, ҳар тоифанинг хислатларидан маълумотлари ва ҳар табақанинг аҳволидан билимлари бўлсин, кейин муносиб кишилар хизматига кирсинлар ва номуносиб одамлар суҳбатидан тортинишни зарур билсинлар ва барча одамлар билан махфий сирлардан сўз очмасинлар. Шайтонсифатлар ҳийла ва алдовларига ўйинчоқ бўлиб қолмасинлар. Кимки ҳар хил кишилар билан суҳбатлашишни ва яқинлашишни ҳавас қилса, бу каминанинг тажрибаси ушалар учун етарлидир».

«Маҳбубул-қулуб» асарида жамиятнинг ўттиз тўрт табақаси ҳақида сўз боради. Навоий ҳамма тоифадаги кишиларнинг турмуш тарзи, руҳияти, ҳулқ-атворидан огоҳ бўлгани учун уларга жамиятдаги мақомига қараб тавсиф беради: султонлар, беклар, вазирлар, садрлар, ясовуллар, солиқ йиғувчилар, навкарлар, чериклар (аскарлар), савдогарлар, миршаблар, қоровуллар, шайхлар, мачит имомлари, шайхулисломлар, суфийлар, воизлар, муфтийлар, дарвешлар, деҳқонлар, косиб ва ҳунармандлар, ғариб ва муҳтожлар, гадойлар...»

Навоий жамиятнинг «олий» табақаси - султонлар ҳақида сўзлаганда, халқ ғам-ташвишларига шерик бўлган, юртни адолат билан идора этган кишиларни, улардаги инсонпарварликни улуғлайди. Зеро, унинг фикрича халқ орзу-умидлари, фаровонлиги ва тинчлиги кўп жиҳатдан подшоҳ шахсига боғлиқ. Навоий юрт ҳокимлари ҳақида баҳс юритар экан, уларнинг мамлакатни обод қилиши, фақир ва ожизларга ғамхўрлиги, безори ва золимларни жазолашини адолат омили, деб билади.

Шоир бир туркум насиҳатларида шаробхўрлар, олиб сотарлар, шилқим гадойлар, алдамчи савдогарлар бадфеъллигидан нолиб, ўз меҳнати билан кун кўрувчи, жамики маҳлуқотларга ризқ-рўз ато этувчи деҳқонлар ва ҳунармандлар меҳнатини қадрлашга даъват қилади. «Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ билан ризқ йўлин очар...» деб оламнинг ободлигини деҳқон меҳнатида кўради ва уни Одам атога менгзайди: (Деҳқоннинг) қўши ҳам икки зўр полвон бўлиб юкига бўйсуниб, олдида боради: ишлашга ҳамдам ва ҳамқадам, деҳқон уларни суришда худди Одам. Дунё ободлиги улардан, оламлар шодлиги улардан. Ҳар қаён қилсалар ҳаракат, халққа ҳам овқат етар, ҳам баракат... Камбағалларнинг шарбат ва сирқаси ундан, давлатмандларнинг емиши ва аъло шарбати ундан... Қўшчининг ундан муроди ҳосил, сомончи ундан мақсадга восил. Гадойлар у билан тўқ, хонадон ундан маъмур. Навоийнинг тандири у билан иссиқ, унфуруш бозори у билан қизиқ. Фуқаронинг ризқи-рўзи, ғарибнинг куч-қуввати дон биландур. Уни еган зоҳид ҳузур билан тоат қиладур. Обидлар ундан қаноат лофини уради. Тиланчи тўрваси бир бурда нондан муҳайёдир, ҳазиначида дарё ва кон моли ундан тайёрдир».

Навоий «Насоимул-муҳаббат мин шамоимул-футувват» асарида ўз меҳнати, ҳунари билан рўзғор тебратган футувва аҳли - азиз-авлиёлар, дарвешларга таъриф-тавсиф беради: Абу Саид Харроз - этикдўз, Муҳаммад Саккок - пичоқчи, Абу Ҳафиз Ҳаддод - темирчи, Абулаббос Ожирий - ғишт қуювчи... Навоий маънавий комилликка интилмаган, инсонлик моҳиятини англаб етмаган косиб-ҳунармандларни фош этади: «Бозорда савдогар косиб - тангрига хоин ва ваъдага козиб. Бирга арзирни юзга сотмоқдин аларга минг мубоҳат, мингга тегарни юзга олмоқдин йўқ зарра уёт. Ростлик била савдо аларга зиёнкорлик ва ваъдага вафо аларга бадкирдорлик...»

Навоий фикрича, тижорат аҳли - савдогарлар ҳалол ризқ топиш учун узоқ, машаққатли йўлларни босиб ўтади. Бир юртдаги сероб молларни бошқа юртга олиб бориб, у ердаги камёбликка барҳам беради. Савдогарлар деҳқон ва ҳунар эгаларининг меҳнати қадрсизланиб қолмаслигини, бозор мувозанатини, юрт ободонлигини таъминлайдиган кишилардир.

Табақа ва гуруҳлар ҳақидаги бундай насиҳатларнинг моҳияти шуки, хоҳ у деҳқон бўлсин, хоҳ савдогар, хоҳ ҳоким бўлсин, хоҳ олим... улар жамиятнинг тенг аъзосидирлар, турли тоифадаги кишилар бир-бирларига жабр-зулм ўтказмаслиги, таҳқирламаслиги, мансабдорлар мансабини суъистеъмол қилмаслиги лозим, деб уқтиради шоир. Ҳамма шариат қонунларига тўла риоя қилса, жамият гуллаб-яшнайди. Адолат барқарор бўлади. Навоий камбағал, бева-бечораларга ҳам инсоний нуқтаи назардан ёндошиб, уларнинг қонун олдида бошқалар билан тенглигини эътироф этади...

Алишер Навоий «Маҳбубул-қулуб» асарини вафотидан икки йил олдин ёзиб тугаллаган эди. Айтиш жоизки, бу асар улуғ Амир ва Шоирнинг роҳатбахш ва машаққатли онларга тўла ҳаётида орттирган тажрибалари тўпланган Ибрат китобидир. Китоб муқаддимасидаги ушбу сатрлар фикримизни тўла тасдиқлайди:

«Гаҳи топдим фалакдин нотавонлик,
Гаҳи кўрдум замондин комронлиқ.
Басе иссиғ-совуқ кўрдум замонда
Басе аччиқ-чучук тоттим жаҳонда...
Гардун гаҳ менга жафоу дунлик қилди,
Бахтим киби ҳар ишта забунлик қилди.
Гаҳ ком сори раҳнамунлик қилди,
Алқисса: басе буқаламунлик қилди.

Мутафаккир шоир ҳаётнинг буқаламунлиги ва ҳар ишда забунлик қилганини надомат билан тилга олар экан, аввало турк улуси маданиятини юксалтириш, Хуросон ва Мовароуннаҳр ижтимоий-иқтисодий куч-қудратини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари кўп ҳолларда бекор кетгани, орзу-умидлари пучга чиққанини назарда тутади. Юксак инсонпарварлик аҳлоқи тарғиб қилинган «Маҳбубул-қулуб» асари Шоир ва Амир Навоийнинг - донишманд қариянинг умри охирида турк улуси қавмларига, қолаверса, бани башар фарзандларига айтган насиҳатлари ва васиятларидир! Мана ўша оҳирги васиятларидан сатрлар: «Яна бир улуғ иш эҳсондир. Барча мазҳаб ва миллат кишилари олдида исботлангандирки, яхшиликнинг яхшиликдан бошқа эвази йўқдир. Эҳсон деган сифатни абадий саодат бил. Аммо бу замон ва давронда... бу варақ тескари айланиб кетган ва бу ҳукм акс натижа бергандир... Ҳар кимга бир хизмат қилсанг ўн қаттиқликни кўришга тайёр туриш керак... Кимники, бир олқишладинг -кўп қарғиш эшитиш билан қутула олмайсан... Бировга бир пиёла чой берсанг, эвазига қадаҳ-қадаҳ қон ютмоқ керак. Бировга бир қадаҳ асал ичирсанг, ундан коса-коса заҳар ичмоққа тайёр туриш керак...»

Тарих ғилдираги неча минг йиллдирки, ғижирлаб айланмоқда. Неча юз йиллдирки, улуғ бобомиз Алишер Навоий насиҳатлари кеча кечқурун дастурхон бошида падари бузрукворимиз айтган пурмаъно калом каби қулоқларимиз остида янграб турибди. Буюк қалб соҳиби Алишер Навоийнинг ҳар бир сўзида баҳри Уммон маъноси мужассам. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар таранглашган, аҳлоқий қадриятлар сўниклашган бизнинг замонда, айниқса файласуф шоирнинг ҳар бир сўзи - бу бизлар амал қилишимиз лозим бўлган донишмандона ўгитлардир!

Ғуломхон ҒАФУРОВ,
филология фанлари номзоди.



ҲИКМАТЛАР

Сабр била кўп боғлиқ иш очилур,
Ишида ошиққан кўп тойилур.

***

Халойиққа кўрма қилиб бенаво
Ўзингга раво кўрмаганни раво.

***

Кимки улуғроқ анга хизмат керак,
Улки кичикроқ анга шафқат керак.

***

Кимки фалак сари отар тошини,
Тош ила озурда қилур бошини.

***

Хирадманд чин сўздин ўзга демас,
Вале барча чин ҳам дегулик эмас.

***

Ростдир ул ким, назари тўғридур,
Ким илиги эгридур, ул ўғридур.

***

Ушоқ қанд оқ тузга монанд эрур
Ва лекин бири туз, бири қанд эрур.

Тарихимизни ўрганамиз

БАРЛОСЛАР КИМЛАР БЎЛГАН?

Эй Навоий, найлай эл Тархон била Барлосни
Ким берур кўнглимга холомолим ул шўх манаш.
Алишер НАВОИЙ

Мустақиллик шарофати туфайли халқимиз ўз тарихини ўрганишдек олий неъматга мушарраф бўлди. Зотан, ўтмишнинг ўқилмаган саҳифалари ҳали беҳисоб. Шундай экан, биз ҳам мавжуд манбаларга ва этнографик маълумотларга асосланиб, қуйида ўзбек барлосларининг этник тарихига тўхталиб ўтмоқчимиз.Уйлайманки, барлослар генезиси ва фаолиятига доир ушбу мақоламиз ўқувчиларда қизиқиш уйғотади.

Узбекистонда, хусусан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида Барлосгузар, Барлосқишлоқ, Барлоступ, Самарқанд вилоятида Барлос каби жойлар мавжуд. Бу номлар Марказий Осиёда барлослар кенг тарқалган қавм бўлганлигидан далолат беради ва уларнинг турмуш тарзи, тақдирини ўрганишга ундайди.

Барлос сўзи қадимда йўлбарс (шер) маъносини билдириб, шу номдан барлос қавми номи (этнонимини) келиб чиққан. Муаррихлар фикрича, барлос сўзи мўғулча этдор, кучли дегани бўлиб, туркий халқлар наздида йўлбошчи ва ботир жасорати билан боғлиқ хусусиятни ифода этади. Чунончи, Алишер Навоий «Садди Искандарий» девонида бошқа туркий қавмлар қаторида барлослар ҳам Искандар Зулқарнайн томонида туриб Эрон шоҳи Доро қўшинларига қарши мардонавор курашганликларини тасвирлайди. Чингизхон ўғли Чиғатойнинг 4000 кишилик довюрак мўғул армияси сафларида ҳам барлослар бўлган. Қадимги манбаларда барлослар асоссиз равишда мўғул дейилган. Янги тадқиқотларнинг далолат беришича, аслида барлослар Қашқадарё воҳасига келиб жойлашгунча уларнинг туб турк аҳоли аждодлари билан этногенетик боғлиқлиги бўлган. Улар ўзларини кўпинча турк-барлос деб аташиб, туркларнинг калтабой, мусобозори каби қавмлари яшаган туманларда биргаликда истиқомат қилганлар. Худди шунинг учун ҳам муаррих Рашидуддин: «Ҳозирги вақтда ҳамма уруғлар ўзларининг насабдор ва улуғ эканликларини англатиш учун Чингиз ва унинг уруғи мўғул бўлганлигига қараб ўзларини мўғулларга қўшиб кўрсатадилар.

Жалойир, тақар, уйрот, унбут, керайит, найман, тандут каби қабилалар ҳам қадимги вақтда мўғулларни тан олмаганлигига қарамасдан, энди мақтаниб ўзларини мўғулларга қўшиб кўрсатадилар. Ҳолбуки, қадимги вақтда мўғулларнинг ўзлари ҳам чўлларда яшовчи туркий халқларнинг бир бўлаги бўлган, холос», деб ёзган эди. XIX аср рус шарқшуноси А. Хорошин ҳам Туркистон ўлкасига доир китобида Чингизхон билан Урта Осиёга келган қабила ва уруғларнинг ҳаммасини мўғуллар деб ҳисобловчиларга эътироз билдириб, «агар уларнинг барчаси мўғул бўлганларида, ҳеч бўлмаганда тиллари сақланиб қолган бўлар эди», деб таъкидлайди.

Барлослар XIУ аср биринчи ярмида Қашқадарё воҳасига (асосан Кеш вилоятига) келиб жойлашишган ва бу вилоят уларга мулк қилиб берилган. Амир Темур салтанатида барлослар давлатнинг асосий таянчи бўлган. Улар темурийлар даврида жуда катта имтиёзларга эга бўлишиб, тўю маракаларнинг тўрида ўтиришган ва ваъз айтиб, бу тантаналарни очиб беришган. Боиси, соҳибқирон Амир Темур бинни Тарағай ҳам барлос қавмига мансуб бўлган ва бу буюк зот ўз қавмига доимо раҳнамолик қилган.

Барлослар Мовароуннаҳр, Хуросон, шимоли-ғарбий Ҳиндистон, шарқий Туркистонда ўтроқ аҳоли билан бирга яшаган ва улар билан аралашиб кетган. Бухоро амирлигида улар ярим кўчманчи тарзида яшаб, ўз номи, удум ва анъаналарини бир мунча сақлаб қолган.

Хусусан, анъанага кўра, ҳар бир уруғдошлари билан учрашганида қариндошлигини тасдиқлаш учун ўзларининг махфий сўзлари (паролини) яъни қавмининг келиб чиқишини, удумлари ва руҳиятини ифодаловчи ибораларни айтишган. Жумладан, барлослар бир-бирларига қуйидаги махфий ибора билан мурожаат қилишган: «Хон тоғам барлос, мардикорга бормас, бўри емас, закот бермас, юриши жангал, ўлтириши дангал». Кейинчалик барлослар маҳаллий аҳоли билан қўшилиб кетиши натижасида нисбатан озая бошлаган. Шу туфайли уларнинг баъзи қисми ўз қавмини унутишган. Шайбонийлар Мовароуннаҳрга бостириб кирганида (ХУI аср бошлари) барлослар ўз нуфузини йўқотиб, тарқалиб кетишга мажбур бўладилар. Масалан, Ҳисор вилоятидаги 43 та қишлоқда яшаган барлосларнинг катта гуруҳи бу жойда 500 йиллар бурун келиб қолганига қарамасдан, кейинчалик Ҳисордан яна Кеш атрофларига қайтиб келди.

XVIII аср ўрталарида, яъни Бухоро амири, манғитлар сулоласи асосчиларидан бири Муҳаммад Раҳим даврида (1747-1758) 20 минг барлос Кеш ва Самарқандга кўчирилади. Одатда барлослар Кеш ва Самарқандни ўзларининг асосий юрти ёки она Ватани деб билганлар. Бу даврда барлослар толиббачча, пўлатбачча, оқсоқбачча, неъматбачча, шошбачча, катта кал ҳофизи, майда кал ҳофизи, тожик барлос, қораҳўжа, катта каби гуруҳларга бўлинган. Баъзан омада гуруҳини ҳам барлос қавмига қўшишади. Шунингдек, барлосларнинг Тожикистондаги Регарда регари, Қоратоғдарёда қоратоғи каби гуруҳлари ҳам яшаган.

Узбек халқи этнографиясининг етук тадқиқотчиси, профессор К.Шониёзов, турк тилини ўз она тиллари деб ҳисоблай бошладилар. Тилшунослар барлослар шевасини ўзида қадимги турк (ўзбек) тили хусусиятларини акс эттирувчи қарлуқдагил лаҳжасига киритишди. Уларнинг шевалари қаерда яшаганликларига қараб, бир-биридан қисман фарқланади, холос. Демак, барлослар шу даврданоқ ўзбек элати таркибига кириб, унинг ажралмас бир қисми бўлиб қолган. Асримизнинг биринчи чорагида барлослар Бухоро, Нурота воҳаларида, Молгузар тоғ тизмалари ён-бағирларида, Зарафшон вилоятида яшаган. Уша вақтда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра, барлослар Самарқанд вилоятида 11 минг киши, Фарғона вилоятида 7 минг киши, Бухорода 8720 киши, Қашқадарё (Шаҳрисабз)да 710 киши, Деновда 468 киши, Тожикистондаги Қоратоғдарёда 5785 киши, Ҳисорда 7501 кишини ташкил этган. Шунингдек, Қашқадарё вилояти Чироқчи туманининг Қарағай, Лангар қишлоқларида, Китоб тумани Манғит қишлоғининг шимолида, Китоб ва Шаҳрисабз шаҳарлари атрофидаги тоғлик қишлоқларда, Касби туманидаги Қатағон қишлоғида ҳам барлослар яшаган. Улар Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Денов, Сариосиё, Жиззах вилоятининг Жиззах, Зомин, Ғаллаорол, Самарқанд вилоятининг Иштихон, Нурота, Булунғур, Ургут, Андижон вилоятининг Марҳамат, Хўжаобод, Тожикистоннинг Регар, Панжикент ва Уратепа туманларида, Қирғизистоннинг Уш вилояти (Аравон ва Узган туманлари)да ҳам умргузаронлик қилишган.

Давр ўтиши билан барлослар уртоқлашиб, уруғ-қабила номларини унутиб юборадилар. Узининг қадимги этник номини (барлос) сақлаб қолган қисми 1920 йилларда тахминан 15-18 минг киши бўлган, холос. Барлосларнинг кейинги авлодлари ҳозиргача ҳам Зарафшон тоғ тизмаларининг ён-бағирларида, Қашқадарёнинг юқори оқимида, Сурхондарё воҳасида ҳамда Тожикистоннинг жанубий туманларида, кичик бир қисми эса Фарғона водийсида яшаб келадилар.

Барлослар доимо ўзбеклар ва тожиклар билан аралаш ҳолда яшаб, ўзаро қуда-андачилик қилишган. Улар асосан деҳқончилик, сабзавотчилик, боғдорчилик билан шуғулланишган, кўплаб ҳисори қўйлар боқишган, отчилик ва туячилик билан машғул бўлишган. XIX аср охирларида эса барлосларга ҳунармандчилик ҳам расм бўла бошлаган. Мураккаб этник-маданий жараёнлар, қавмларнинг бир-бирлари билан қўшилиши, йириклашуви ва уйғунлашуви натижасида барлослар ўзбек ва тожик миллатлари таркибига сингиб кетган. Академик Иброҳим Мўминов таъкидлаганидек, «Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихининг кейинги даврларида Шоҳруҳ ва Улуғбек, Мирзо Абу Саид, Султон Аҳмад Хусайн Бойқаро, айниқса Ҳиндистонда Бобур ва Акбаршоҳлар Урта Осиёда Темур даврида қарор топган иқтисодиётни ва маданиятни ривожлантириш билан боғлиқ энг яхши анъаналарни давом эттирдилар».

Очил БЎРИЕВ,
Қарши Давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди.

Обидахон Абдуллаева 20 йиллдирки Наманган туманидаги Тошбулоқ посёлкасидаги 22-ўрта мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаб келади. Яқинда унинг кўп йиллик машаққатли, самарали меҳнати тақдирланди. Узбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра «Соғлом авлоди учун» иккинчи даражали ордени билан тақдирланди.

Суратда: Обидахон Абдуллаева ҳамкасблари Адибахон Мамадумарова, Малоҳатхон Усмоновалар билан суҳбатда.
Т.Акбаров олган сурат.

Маданият хабарлари

ҚЎШИҚЛАРДА ЮРТ МЕҲРИ

Андижонда Республикамиз мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Узбекистон-Ватаним маним» қўшиқ танловининг дастлабки босқичлари бўлиб ўтмоқда. Яқинда ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳиссадорлик жамиятининг катта жамоаси бу санъат байрамини чиройли қилиб ўтказди. Қарангки, ишчи-хизматчилар орасида ҳам истеъдод эгалари талайгина экан. Улар Узбекистонга, ота-Ватанга бўлган муҳаббатларини, садоқатларини қўшиқларда изҳор этдилар. Сўзлар жаранглади, оҳанглар янградди. Юрт қадри, залвори, келажаги куйга солинди.

Зукко ҳакамлар ҳайъати бирлашмага қарашли ички ишлар бўлими ходими Суратбек Олимжонов, тармоқдаги «Тулпор» ижодий уюшмаси ходими Рафиқ Муҳторов ва ип ўровчи Моҳидилхон Мирзааҳмедоваларни ғолибликка муносиб топди.

Ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма ташкилотининг эсдалик мукофотларига сазовор бўлган ғолиблар шаҳар танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

«Ишонч» мухбири.

ДАМ ОЛУВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Бободеҳқон йил бўйи тиним билмайди. Етиштирилган ҳосил йиғиб олиниб, ер қиш уйқусига киргач, миришкорлар ҳам хордиқ чиқарадилар. Қиш олдидан Пскент тумани деҳқончилик саноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси Бекобод туманидаги «Фарҳод» санаторийси маъмурияти билан шартнома тузди. Унга мувофиқ айни кунда пскентлик бир гуруҳ пахтакорлар, ғаллакорлар, боғбонлар оромгоҳда дам олиб, ўз саломатликларини тиклаяптилар. Бунинг учун барча шарт-шароит муҳайё.

Яқинда касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан тумандаги Аҳмад Дўстбеков номли жамоа хўжалиги бадиий ҳаваскорлик жамоаси дам олувчилар ҳузурида бўлди. Улуғбек Умаров раҳбарлигидаги бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари, дилрабо куй ва қўшиқлари барчага манзур бўлди. Айниқса Музаффар Пардаев, Нуриддин Жуманов, Алишер Эгамбердиев, Миробид Аҳмедов томошабинларнинг олқишини қозондилар.

Темир ҲАЙДАРОВ.

Жиноят ва жазо

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ...

Наманганда анча шов-шувга сабаб бўлган бу воқеага кишининг ишонгиси ҳам келмайди. Рост-да, ахир, республика Президенти бозор иқтисодиёти қийинчиликларини эътиборга олиб, талабаларни ижтимоий ҳимоялаш учун қатор тадбирлар белгиласа, уларнинг стипендияларини мунтазам ошириб бориш чораларини кўрсаю, Наманган ўқитувчилар дорилфунуни деб аталмиш муътабар даргоҳда уялмай-нетмай улар ризқига чанг солишдан ҳайиқишмаса! Лекин ҳоҳлаймизми-йўқми, факт-фактлигича қолади. Жиноят юз бердими, айбдорлар жазоланиши керак. Қонунбузарлик вақтида жиловланмаса, унинг илдиз отиши учун шароит яратилади, жамият мувозанати издан чиқади. Шу боисдан вилоят прокуратураси ходимлари ўз фаолиятларида жиноятчилик ва ножўя хатти-ҳаракатларга қарши қатъий кураш олиб бормоқдалар.

Қарангки, бир ёқда талабалар ҳар тийининг ҳисобини қилиб, қорин тўйғазиш ғамида-ю, иккинчи ёқда дорилфунун ҳисобхонасида ин қуйиб олган бир гуруҳ ўғрилар қандай қилиб бўлса-да, улар насибасига шерик бўлиш ва текин бойлик орттириш учун ҳуфёна режалар тузиш билан овора. Олдиндан айтиб қўяйлик: бу қинғир ишнинг ташаббускори узоқ йиллардан бери ҳисобхонада турли лавозимларда хизмат қилган Надия Ударбоева ва хазиначи Ҳамида Мамадалиевалардир. Улар бош ҳисобчи Ғуломжон Турсуновнинг бўшлигидан, ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қарашидан, ишга янги келган Олимжон Зокиров ва Алижон Исматуллаевларнинг ёшлиги ва тажрибасизлигидан фойдаланиб, ўз ғаразли мақсадларини бирин-кетин амалга ошира бошладилар.

Бир куни Надия Ударбоева одам камлигида Олимжонни хонасига чақириб, ярим ҳазил, ярим чин маънода деди:

— Қаранг, вазирлик томонидан ажратилган анча пул ортиб қолаяпти. Йўлини қилиб шуни ўзимиз ола қолсак-чи?

— Нима деяпсиз, опа, — олдинига Олимжон чўчиганлек бўлди. — Ахир, бу пул қаттиқ назоратда туради. Қолаверса, қанчадан-қанча ҳужжат, катталарнинг имзоси керак.

Бош ҳисобчи ўринбосари энди жиддий тусга кирди:

— Сиз стипендиялар бўйича ҳисобчисиз. Ҳаммаси қўлингизда. Мен йўлини кўрсатаман. Имзо чектиришни ўзимга қўйиб беринг. Ҳеч ким сезмайди.

Ўринбосарнинг кўнглидаги шум ниятни сезмаган, унга ҳаддан зиёд ишонган ҳисобчи Ғ. Турсунов барча ҳужжат ва ведомостларга қиё ҳам боқмасдан чамбарагичнинг имзо чекиб берди. Узоқ йиллардан бери шу ерда ишлаб келаётган хазиначи Ҳамида Мамадалиева юқоридаги ведомостларнинг сохталигини сезмаган дейсизми? Сезган, билган, албатта. Олимжон Зокировнинг айтишича, ҳатто, бир куни қинғир ишга қўл уришдан чўчиётган йигитга қараб «Ойлик билан яшаб бўладими, бу ҳолда уйланолмай дунёдан ёлғиз ўтиб кетасан», дея дакки берган.

Мамадалиева шу билангина кифояланиб қолмади. Нафақа бўйича ҳисобчи Алижон Исматуллаевни ҳам жиноят кўчасига тортди. Сохта ведомостлар тузишга даъват этиб, уларни ўзи тайёрлаб берди. 1992-1993 йиллар давомида қалбаки 3 та ҳужжат эвазига тушган пулнинг 67 сўминигина чойчақа учун Алижонга қолдириб, асосий қисмини чўнтагига урган.

Албатта, дорилфунун ҳисобхонасида содир бўлган бу жиноий ишни очиш осон кечмади. Айниқса, Ударбоева ва Мамадалиевалар қилган айбларига иқрор бўлмасдан ўзларини ҳар кўйга солиб кўришди, қўй оғзидан чўп олмаган мўмин кўзи қиёфасига тушмоқчи бўлишди. Лекин далиллар ўжар бўлар экан. Қолаверса, гувоҳлар, судланувчилардан олинган маълумотлар, ҳуқуқшуносларнинг ўз ишларига масъулияти ва билимдонлиги юқоридаги ғайриқонуний ҳолга нуқта қўйди.

Хуллас, 1992-1994 йиллар мобайнида ўғрилар томонидан тайёрланган 112 та қалбаки ведомостнинг 86 тасига бош ҳисобчи ҳеч нарсани суриштирмасдан имзо чекиб берган ва шу тариқа кўп миқдордаги давлат маблағининг ўзлаштирилиши учун шароит яратган. Ушбу ҳужжатлардаги исм-фамилиялар машҳур рус ёзувчиси Гоголнинг «Ўлик жонлар» асаридаги аллақачон оламдан ўтиб кетган одамларни эслатади. Негаки, қоғозларга номи тиркалганларнинг кўпчилиги, умуман, бу ерда ўқишмайди. Баъзи бирлари эса турли сабаблар билан стипендия олиш ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлиб, ўзлари бехабар ҳолда ўғриларга «даромад» келтириб туришган. Иш шу даражага бориб етганки, Ударбоева ва Мамадалиевалар ўзлари танимайдиган ва билмайдиган одамлар ўрнига гоҳ ўнг, гоҳ чап қўлда, баъзан ведомостни тескарисига айлантириб имзо чекаверишган. Айбдорлар ҳар қанча қайсарлик қилишмасин, хатшунослик экспертизаси хулосалари сохта имзолар уларнинг дастхатлари эканлигини исботлаб берди.

Қилмиш-қидирмиш, дейдилар. Табиийки, сувдан ҳолва ясамоқчи бўлганлар қонунга зид ҳаракатларига яраша жазо олдилар. Лекин бир масала кишини ўйлантиради: терговда ва суд жараёнида дорилфунун раҳбарлари уларнинг ушбу жиноятга мутлақо алоқаси йўқдек тутишди. Айбдорларни фаришталек оппоқ қилиб кўрсатувчи таърифномалар ёзиб беришди. Ажабо, ҳамма нарсани олдиндан билишга қодир зукко олимларнинг ўз қўл остида урчиётган қонунбузарликдан мутлақо бехабар қолишига ишониш мумкинмикин?

Валижон РАҲИМБОЕВ,
Наманган вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи, юстиция маслаҳатчиси.

Она юрт соғинчи

«ВАТАНДИН БУЮК ДАРД ЙЎҚ...»

Осмонни тўлдириб қушлар учади. Юксаклик ғururидан, мовийлик сururидан завққа тўлиб, «чуғур-чуғур» қўшиқ айтади улар. Бу қўшиқдан гўё заминга таровват ёғилаётгандек. Қушларга термилган болакайнинг ҳам учгиси келади. Уларнинг қанотига ҳавас қилади. «Менинг ҳам қанотим бўлсайди. Қандоқ яхши... қушларнинг қаноти бор... Қаноти бор...»

Қушлар-чи... қанотининг қудрати ҳақида ўйлармикин? Йўқ, бу ҳақда қаноти йўқлар ўйлайди.

Ҳар куни босиб чиқаётганимиз остона, кўзларимиз ўрганган дала, шилдираган сувли ариқ, сочлари ёйилган мажнунтол — бари Ватан. Мураккаб ҳаётнинг мантиғи шундайки, ватанни унинг бағридан ажралганлар кўпроқ соғинади, қўмсайди, ўйлайди... Улар учун ўша азиз остонани бир босмоқ, далаларига тўйиб термилмоқ, шилдираган сувдан бир ҳовуч ичмоқ, ариқ бўйидаги ялпиздан тўйиб ҳидламоқ... муқаддас бир орзу! Аслида остона, дала, сув, ялпиз бошқа жойда ҳам бор. Бор, лекин она юртдагиси бошқача. Чунки унга киндик қони тўкилган!

Ҳожи Йўлдош Қуёш Мирзакарим бойвачча ўғли... Олтмиш йил яратганга тавалло қилақила бугун етмиш бешга қадам қўйган андижонлик отахоннинг тақдир йўли мураккаб. Ўзининг айтишича, яшагани йўқ, бир амаллаб кун ўтказди, холос. Жойнамоз устидаги асосий тилаги Ватанга қайтиш илтижоси бўлди. Уйланиб, рўзғор кўрганида, фарзандли бўлганида ҳам юртга қайтиш нияти қалбини бир дақиқа тарк этган эмас. Болаларига гўдаклик ҳаёлидаги отаси, онаси айтиб берган хотираларни эртакдек сўйлаб юрди.

— Онам Ширмонхон шоира бўлиб байт битар эдилар, — дейди отахон. — Мана эшитинг-а:

Гадою дарбадар янглиғ бўлубдурман бе сарви сомон,
Аввалу мақсад очилмасдан гунча сўлғонимга йиғларман.
Таҳаммул айлайин шояд нажот берса худойим,
Ҳама дўстдин кечиб душманга қолғонимга йиғларман.

Йиғлаб-йиғлаб ўтиб кетдилар Ширмонхон буви. Унинг ҳижрон аламлари қўшилиб Ҳожи Йўлдош юрагига жамланди. Тўққиз ёшида ер суви тортиб олинган дили вайрон отаси — Мирзакарим бой билан Ватандан ночор чиқиб кетганидан буён юрагидаги бу йиғи излари чуқурлашиб бораверди. Ҳали Афғонда, ҳали Ҳиндда, ҳали Маккатулоҳда яшади, аммо ўзбекча лаҳжани тарк этмади. Қаерда ўзбек кўрса, «биз кўпчиликмиз, дунёнинг ҳар бир бурчига тарқаганмиз. Аммо Ватан битта. Ўзбекистон битта», деб турфа жамиятлар тузиб фаоллик кўрсатишини қўймади. Икки ўғил, икки қиз кўрди. Тақдир унга дилбаргина турмуш йўлдошини рўбарў қилди. Ош-нон топди, молу мулк топди, аммо Ўзбекистондан бошқа, Андижондан, Ойшахоним деган қишлоқдан бошқа Ватан топмади.

— Туркияда ҳовли-жой қилиб, анча йиллар яшадик. Шунда Мустафо Камол Ота Турк билан танишиб, унинг Ватан, эрк, миллат ҳақидаги фикрларини эшитиб, иш тамойилларини кўрганимда ҳаёлан Ўзбекистонда ҳам Ота Туркдек юртбоши бўлса деб орзу қилавердим. 1990 йили Орол денгизига бағишланган халқаро йиғинда иштирок этганимда бу орзуимни Ислом Каримовга айтдим. «Сиз ўзбекнинг Ота Туркдай юртбошчиси бўлишингизга имоним комил», деб қўлини қисиб пешонамга қўйдим. Худо ноумид қилмади. Ўзбекистон мустақил бўлди. Бўлганда ҳам эзгу орзуларни амалга оширишда дадил қадам ташлади. Мустақиллик ниmaларга қодирлигини кўрсатди. Ишонинг, болам, тўрт йилда бу юртда бўлган ўзгаришлар менинг назаримда ўнлаб йилларда ҳам бажарилиши қийин эди. Биз каби ватандошларнинг азалий орзуга етиб, Ватанни қайта топиши учун мустақиллик қандай ўринга эга бўлса, мустақилликка, эркка эришишда юртбошининг шундай катта залворли ўрни бор.

Вужудидан қуввати кетган, ўсиқ қошлари, сочлари оппоқ оқарган бу отахон сўзларкан, кўзларидан ошкора ёш тўкилади. У юраги тўлиб, томирида ҳаяжон оқиб сўзлайверади:

— Юртга қайтдим, болам. Болаларим ва уларнинг оналари учун Ватан Туркия, Америка эди. Шу сабабли улар қайтишмади. Бир ўзим келдим. Ҳеч бўлмаса умримнинг сўнгги кунларини Ватанда ўтказай деб, ёлғиз эсам-да келавердим. Ўғлим Сардор орзуларимнинг ушалишига имкон яратди. Болаларимнинг биттасига бўлса ҳам Андижонда тўй қилсам, ўзбекнинг байроғини дарвозам тепасига баланд қилиб илиб меҳмон чорласам девдим. Сардор шу ерда ўйланди. Айтганимдек байроқ тикиб ўша ўн икки юлдузли, ойли ўзбек байроғини тикиб меҳмон кутдим.

Ота даструмол олиб кўзига босади. Елкалари силкиниб-силкиниб йиғлайди. Кўзларида кулгу айланиб йиғлайди.

У Андижонга ёлғиз келди-ю, уни ёлғизлатиб қўйишмади. Аввало қўни-қўшнилар, қадрдонлар унга ҳамсуҳбат бўлдилар. Ҳанифахон исмли қош-кўзи попукдай, юзлари нақш олмадай қўрғонтепалик аёл эса отага доимий ҳамроҳликка тутинди.

Ҳожи Йўлдош отанинг Олтинкўлга — Отобачек қишлоғига кўчиб келгани маҳаллага тез тарқалди. Қўни-қўшнилар зиёратга кирдик. Ота қўшниларига юз йиллик қадрдонидек армонлари, орзулари, шукроналари ҳақида сўзлайди.

— Исмимга Қуёш тахаллусини қўшиб чақиришади. Буни ўзим танлаганман. Билсангиз, муҳожирликда кечган 65 йиллик умрим тонглари қуёшни зиёрат қилиш билан бошланган. Назаримда: қуёш Ўзбекистонни кўриб келгану янаям табаррук бўлиб кетгандек эди. Унинг нур қўллари Ўзбекистонимнинг майсасини, тошини, дарахтини силаган дея бу нурларга кўксимни тутаман. Муҳожирликдаги бир ўғлини йўқлагандек, Қуёш нурларида бу йўқлов ёзилгандек туюлади. Унга жим-жим тикилиб, соғинчларга малҳам қидираман. Қуёшга ҳавас қиламан. Ватандан буюкроқ дард ҳам, давлат ҳам бўлмаслигини англайман.

Отахон мана шу дарду давлатини кўксига солиб, Ўзбекистонга қайтди. Икки қизи, икки ўғли уларнинг оналари Сапурабегим, ўндан ортиқ набиралари ҳозир Америкада яшашяпти. Ота армонлари ушалганидан улар ҳам хурсанд. Тез-тез хабар олиб туришади. Ҳанифа келинни эса аямиз деб иззат қилишади. Бундоқ ўйлаб қараганда, отахон шунча фарзанду набираларини қандоқ ташлаб келди, дейиш мумкин. Аммо кўкракдаги, кўздаги, сўздаги Ватанга бўлган муҳаббатни ҳис қилган кишигина уни тушуна олади.

Ҳожи Йўлдош отанинг ҳузуридан чиқарканман, туйғулар талошида қолдим. Юрагимда кучли бир шукроналик сездим. Беихтиёр «офтобингдан, майсаю кўкатингдан ўргилай: Ватан» дея пичирладим. Ҳаяжонларим, таассуротларим, шукроналарим руҳимга қуйилиб, шеърга айланди:

Руҳ ўкир офтобга ёзилган хатни,
Элита бошлайди кўкатингни чўғ.
Юрагинг қучоқлар бор ҳақиқатни,
Ватандин буюк дард, буюк давлат йўқ.

Минг йиллик мозийдан эшитилган сас,
Қуввайи ҳофизанг сингдиролган дарс,
Пахта ўсган ҳар жой Ўзбекистонмас,
Ватандин буюк дард, буюк давлат йўқ.

Ошиққан турналар кўкламни ўпар,
Қалдирғоч ям-яшил соғинчлар тўкар,
Оқ тушлар таъбири сувда нилуфар,
Ватандин буюк дард, давлат йўқ.

Хоҳи боғ бўлсин у, хоҳ саҳро куюк,
Хоҳи гул бўлсин у, хоҳ янтоқ — суюк.
Тошларида изинг қолдирган битик:
Ватандин буюк дард, буюк давлат йўқ.

Нилий гумбазларнинг синоатин тер,
Бир ўйма нақшга бир дунёнгни бер,
Ҳайратингни шарҳлаб бера олса шеър,
Ватандин буюк дард, буюк давлат йўқ.

Меърожга чиқади нурланган ақл,
Бўлса руҳ озод-у кўнгил мустақил,
Умрларни суяр муқаддас нақл:
Ватандин буюк дард, буюк давлат йўқ.

Замира РЎЗИЕВА.

Чирчиқ шаҳрида бокс бўйича биринчи республика спартакиадаси бўлиб ўтди. Мусобақаларда барча вилоятлардан ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрган 120 нафар малакали боксчилар иштирок этдилар. Спартакиада мамлакатимизда спортнинг мазкур тури ривожланиб, маҳоратли ёшлар сафи кенгайиб бораётганини кўрсатди. Умумкоманда ҳисобида Андижон вилояти вакиллари биринчи, Тошкент шаҳри терма жамоаси иккинчи, фарғоналик спортчилар учинчи ўринни эгалладилар. Қизғин кураш остида ўтган мусобақаларда Руслан Чагаев Наримон Отаев, Жамол Сайфуллаев, Дилшод Каримов ва бошқалар ўз вазнлари бўйича шахсий ғолибликка эришишди. Ушбу спартакиада республикамиз боксчилари учун Атлантада ўтадиган ёзги олимпиада ўйинлари олдидан ўзига хос кўрик бўлди, дейиш мумкин.

Суратда: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий А.Панарин (ўнгда) ва фахрий спорт устаси В.Агаронов ғолибларга спартакиада совринларини топширишмоқда. **А.РИСҚИЕВ олган сурат. (ЎзА)**

МУНАЖЖИМ ТАЪБИРИ: САЛОМАТЛИГИНГИЗНИ АСРАНГ!

(14-19 февраль кунлари учун)

14 дан 19 февралгача бўлган давр мобайнида юрак ва юрак-қон-томир тизими энг нозик ва заиф аъзолардан бўлиб қолади. Бу тизим фаолияти сусайиб, бирмунча чекланганi сезилади. Мазкур ҳолат юрак фаолиятининг кескин сусайиши, қон босимининг пасайиши, юрак мушакларида қон айланишининг ёмонлашувида кузатилади. 18 дан 19 февралга ўтар кечаси юрак ишига алоҳида эътибор билан қараган маъқул.

Кардиолог шифокорлар шу куни миокард инфаркти ҳодисаларининг бирмунча кўпайиш эҳтимолини назарда тутсалар зарар қилмайди. Шарқ тиббий илми нужуми нуқтаи назаридан юрак хасталикларининг олдини олишда одамларга самимий муносабат, оққўнгиллик, олижаноблик, мурувватпешалик, адолатлилик айниқса, болалар, ожизаларга нисбатан феъли кенглик, иқтидорли одамларни қўллаб-қувватлаш, ҳокимиятдан адолат ва оқиллик билан фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир. Юрак хасталиги билан боғлиқ муаммоларни тегишли дори-дармонлар муолажаси воситасида ҳал этилади.

14 февралда жигар бирмунча заифлашиши мумкин. Шунинг учун унга жарроҳ тиғини теккизиш, қалтис муолажалар тўғри келмайди. Тиббий илми нужум бўйича жигар хасталикларини Муштарий (юпитер) бошқаради. Бу сайёра эса инсонпарварлик, тафаккур кенглиги, истиқболни кўра билиш, улуғларни тушуниш каби аҳлоқий фазилатларга жавоб беради.

15 ва 16 февралда ўт пуфаги, қора талоқ, суяк тизимида, умуртқа ва орқа мияда жарроҳлик аралашуви, шунингдек, бу аъзоларга ҳамда тана терисига кучли таъсир этиш мақбул эмас. Зотан, шу кунлари бу аъзолар заифлашган бўлади. Суяк тизими энг кўп нозиклашиб, синиш, чиқишларга мойил бўлади. Шарқ тиббий илми нужуми талқини бўйича бу муаммоларга Зуҳал (сатурн) жавоб беради. Бу сайёра бошқарадиган хасталикларнинг олдини олишда шахснинг масъулият ҳисси, бурчни англаши, интизом, аниқ ички «ўзак», шахсий дунёқарашнинг мукаммал шаклланиши муҳим аҳамиятга моликдир. Шу кунлари тиш шифокори ҳузуридаги муолажалардан ҳам тийилган маъқул. Ошқозонда ўтказиладиган жарроҳлик ишлари муваффақиятли бўлади.

17 февралда бирон янги ишни бошлашга ошиқманг. Шу куни эҳтиросларингиз, тафаккурингизни поклашга бағишланг, ҳар қандай худбинларча хоҳиш-истакларингизни жиловлашга ҳаракат қилинг, жанжал-можароларга чап беришга интилинг. Ҳар қандай исрофгарчилик, ортиқча ҳашамлардан тийилиш тавсия этилади. Ичкi ва ташқи мувозанатингизни асранг, одамларга, табиатга раҳмдиллик, шафқат билан қаранг.

Шу куни тўсатдан юзага келиб қоладиган руҳий зарблар, асаб зўриқишларидан эҳтиёт бўлиш зарур. Буларнинг ҳаммаси ўша куни нозиклашиб турадиган бутун асаб тизимига нохуш таъсир этиши мумкин. Нафас йўллари, қўл-оёқларда кутилмаган муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Илми нужумнинг кўрсатишига қараганда асаб тизимидаги хасталикларнинг зўрайиши инсоннинг оламни идрок этишига ҳам боғлиқ. Асаб тизимидаги хасталикларни Уран сайёраси бошқаради. У эса шу йил 12 январда бошланган янги давр - Қовға давридан дарак беради. Уран одамлардан шу бошланган давр ғояларини идрок этишни талаб қилади. Бу ғоялар эса - бирлашиш, биродарлашиш, маънавий ҳамдўстлик, самимийлик, ўзгалар ғамини ейиш ғоялари, ўз давридан олдинда бориб, умумманфаатларига хизмат қилувчи барча янги ғоялар, кашфиётлар, тараққиёт омилларидир.

18 февралда бош, бош мия, суяклар, орқа мия, қораталоқ шикастланиши, сурункали холецистит хуружи эҳтимоли бирмунча кучаяди.

17 дан 19 февралгача бўғимлар, асаб тизимида жарроҳлик аралашуви мақбул эмас. Кўз, юрак, болдирлар оғриқларга берилувчанроқ бўлади.

19 февраль - янги ой чиқадиган кун бўлиб, шу куни ўзингизни қандай тутсангиз, бутун ой шундай ўтади. Шу куни юрак, қон-томир тизими, бош, бош мияда заифлик ҳам мавжуд бўлади. Ирода ва хоҳиш-истакларингизни фикр-тафаккурингизни поклашга жамлаганингиз маъқул. Ойнинг охиригача мўлжалланган янги ишлар, режалар ҳақида ўйлаш мумкин.

20 февралда буйрак, тана териси бирмунча зўриқади, аллергик тошмалар пайдо бўлиши мумкин. Шу куни анча заифлашиб қоладиган товон ва оёқ кафтларида жарроҳлик муолажалари ман этилади.

ххх

Балиқ буржида (19 февралдан 20 мартгача) туғилганларни таваллуд кунлари билан қутлаймиз. Сизлар саломатлигингизни ўзингизнинг эмоционал ҳолатингизга кўп жиҳатдан боғлиқлигини билиб қўйишингизни истардик. Балиқ буржи Нептун сайёраси томонидан бошқарилади. Бу сайёра одамларда ҳаёлпарастлик, ҳиссиётларга берилиш, бадгумонлик туйғуларини мужассамлаштиради. Сизга ҳаётда кўпроқ дадилликни, хомҳаёллар ва тушкунликка берилмасликни тавсия этамиз. Бунинг ўрнига инсонпарварлик, олижаноблик, раҳмдиллик, яқинлар ғамини ейиш, бировларга яхшиликни раво кўришга интилинг. Шу йўл билан сиз Нептуннинг олий фазилатларини сингдириб оласиз ва бу саломатлигингизга ижобий таъсир этади. Сиз кўпроқ оёқ кафтлари, товонларингизга, ошқозон- ичак йўли, эндокрин системангиз ҳолатига эътибор беришингиз керак бўлади. Темир фосфати, Е, Д, С, дармондориларга бой (бодринг, дукаклик ўсимликлар, сигир жигари, бодом, денгиз сув ўтлари аралашган) таомлар сиз учун фойдалидир. Алкоголли ичимликларни, сув истеъмол қилишдан қочганингиз маъқул.

БУ АЖИБ ДУНЁ

...Кимё фани соҳасида «Ўзгаришлар китоби» энг қадимги китоб ҳисобланади. Қўлланма муаллифи 11 асрда яшаган хитойлик олим Вей По-Янг бўлган.

***

...Дунёдаги энг узун китоб Фива шаҳрининг ибодатхонасида сақланади. Тошга ўйиб ёзилган ҳар бир саҳифасининг кенглиги 40 метрга тенгдир.

***

...Британия музейида ноёб бир экспонат мавжуд. Бу «Марҳумлар Китоби»дир. Унинг муаллифи Пинудьем Амун ибодатхонасининг бош коҳини бўлиб, Сиамун ҳукмдорлик қилган 1000-984 йилларда яшаган. Нил қирғоғидаги тош мақбарада сақланган мазкур китоб 3 минг йил мобайнида бирор марта очилмаган.

***

...Дастлабки қоғоз пуллар 2000 йил аввал Хитойда пайдо бўлган. Бу қоғоз ишлаб чиқариш бошланган даврга тўғри келади. Европада эса қоғоз пуллар анча кеч муомалага киритилган.

Ўзингизни билинг!

ИБРАТЛИ УЙ БЕКАСИМИСИЗ?

(Аёллар учун синов-сўровлари)

Сиз ўзингизни оққўнгил, одамохун аёл, яхши рафиқа ва меҳрибон она, ибратли уй бекаси, ишончли ходима деб биласизми? Лекин қариндош-уруғларингиз ва яқинларингиз, дўстларингиз ва ҳамкасбларингиз ҳам шу фикрга қўшилишадими? Қуйидаги синов-сўровлари ўзингизга четдан қараб баҳо беришингизга ёрдам беради деган умиддамиз:

1. Жуда зарур бўлмаса ҳам бир мавсум учун бирон бир кийим сотиб олишга интиласизми?
«Ҳа» деб берилган жавобга - 3 очко.
«Йўқ» дейилган жавобга - 0 очко.
2. Қандай газламани ёқтирасиз?
Сидирғасини - 3 очко, гуллиларини - 2 очко. Униси ёки бунисига қаттиқ иштиёқингиз йўқ - 0.
3. Қай хил мода ва услубни танлайсиз?
Мумтоз - 0. Спортга хос - 3 очко. Модадагисини - 5 очко. Ўта модалисини - 7 очко.
4.Биринчилар қатори ўта модали, шукуҳли кийимларни кийишга журъатингиз етадими?
Ҳа - 5 очко. Вазиятга қараб - 3 очко. Йўқ - 0.
5. Рангларнинг олабайроқ ярқироқлари бирикмасини танлаган бўлармидингиз?
Ҳа - 5 очко. Камдан-кам - 3 очко. Йўқ - 1 очко.
6. Қуйидаги кийимлардан қай бирини танлайсиз?
Спорт блузкалари - 3 очко, инглиз костюмлари 2 очко, одми рангдаги юбка - 1 очко.
7. Шляпаларнинг қайси хил фасони Сизга ёқади?
Кенг(энлик) соябонли - 7 очко. «Салла» соябонли - 4 очко. Соябонсиз - 2 очко, умуман шляпа киймайсиз - 0.
8. Қанақа сумкалар сизга кўпроқ ёқади?
Қайишли спорт сумкаси - 4 очко. Шакли сандиқчани эслатадиган сумка - 3 очко.
9. Сиз баланд пошнали туфлини севасизми?
Ҳа - 3 очко. Йўқ - 0.
10. Жавонингизда ўз қўлингиз билан тикилган бирон буюмингиз борми?
Ҳа-3 очко. Йўқ - 0.
11. Уй ичига киядиган суюкли буюмингиз?
Блузкали узун юбка (нимча билан) - 5 очко.
Свитер билан шим - 3 очко
Эскирган буюмларингизни киясиз - 2 очко.
12. Қандай безакларни ёқтирасиз?
Турли маржонларни - 7 очко. Туғноғичларни - 5 очко, занжирли асл безак тошни - 3 очко. Оддий занжирли безакни 1 очко.
13. Газламаларда сиз суйган нақшлар?
Гуллар - 7 очко. Нўхот доирачалар - 5 очко.
Йўл-йўл тасвир - 3 очко. Геометрик шакллар - 1 очко. Нақшсиз, сидирға газлама - 0.

Ушбу синов-сўровлари жавоби - газетамизнинг келгуси сешанба сонида берилади.

«СИЗНИНГ ФЕЪЛ-АТВОРИНГИЗ» СИНОВ-СЎРОВЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

20 очко:
Нозик табиатли, ҳиссиётларга берилувчан, кўпроқ осойишталикка мойил одамсиз. Сиз яхши дўст бўлишга қодирсиз. Бироқ кўпчилик сизни хира ёки шилқим деб ўйлайди.
21-25 очко:
Сиз ҳамма нарса тақдири азалдан деб биладиган бир мунча лоқайд одамсиз, танишларингизнинг хайриҳоҳлигига муҳтожсиз.
26 очко:
Вазмин феъли, ҳиссиётларингизни, эҳтиёж ва ҳоҳишларингизни жиловлай оладиган, кишиларни ақл-идрок билан тўғри баҳолайдиган одамсиз.

Спорт

ҚИШКИ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА

Учинчи қишки Осиё ўйинлари - Хитойнинг Харбин ва тоғли Ябул шаҳрида бир ҳафта давом этди. Шу кунлар мобайнида давлатимиз байроғи 16 мамлакат байроқлари қаторида ҳилпираб турди.

Ўтган дам олиш куни мусобақаларнинг якунловчи баҳслари бўлди. Аслида эса Осиё ўйинлари чемпиони бўлиш учун қарийб 500 нафар йигит-қиз спортнинг 9 тури бўйича астойдил куч синашди. Бу борада Хитой, Япония ва Қозоғистон спортчилари жамоа ҳисобида биринчи бўлишга асосий даъвогарлардан эканликларини намойиш этдилар. Хусусан, қозоқ спортчилари мусобақа бошлангандан кейин орадан 2 кун ўтмаёқ 4 та олтин, 3 та кумуш, 1та бронза медали тўплашган эди. Хитойликлар ҳам мезбон сифатида бўш келишмади. Улар Япония вакиллари каби спортчи-ю мураббий ва хизматчиларни қўшиб ҳисоблаганда 180 нафар бўлиб мусобақага келишганди. Қозоғистонликлар улардан бироз камроқ, яъни 139 вакил билан иштирок этдилар.

Маълумки, Ўзбекистон терма жамоаси биринчи марта бундай нуфузли мусобақада мустақил иштирок этди. 10 нафар спортчимиз спортнинг 3 тури бўйича маҳорат кўрсатишга ҳаракат қилишди. Улар чанғида акробатика машқларини бажариш, яъни фристайл, фигурали учиш ва тоғ-чанғи спорти бўйича майдонга тушдилар. Вакилларимиз мусобақадан қуруқ қайтмасликка аҳд қилган эдилар. Тоғ-чанғи мусобақаларида иштирок этган ака-сингил Комил ва Элмира Ўринбоевлар 9-12 ўринлар билан қаноатланишди. Фристайлчи Сергей Бринер эса терма жамоага дастлабки бронза медалини келтирди.

Мутахассислару мухлисларнинг умиди жаҳонгашта спортчимиз Лиза Чирязовага боғланган эди. Жаҳон чемпиони бўлиб, кубогини қўлга киритган бу моҳир спортчимиз мусобақаларни Осиё ўйинларининг якунловчи кунларида ўтказгани учун унинг муваффақияти ҳақида ҳозирча хабар олганимиз йўқ. Нима бўлганда ҳам мустақил Ўзбекистон вакилларини қишки Осиё спорт ўйинларида иштирок этиши қувончлидир. Ўйлаймизки, бундай нуфузли мусобақа зўр маҳорат мактаби бўлиб қолади.

Мирзо АНВАР.

Автомобиллар оламида

«ФОРМУЛА-1»: ЯКУН ЧИҚАРИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Машҳур «Формула-1» пойгаси бўйича яна бир мавсумий мусобақа поёнига етди. Биз 1995 йилги жаҳон чемпионатига доир баъзи якунларни чиқаришга журъат этдик.

Ўтган йили бўлиб ўтган «Формула-1» пойгасида «Бенеттон» командаси биринчи ўринни эгаллади. Бу команда 137 очко жамғариб Конструкторлар кубогини қўлга киритиш билан автопойгада етакчи ўринга чиқди. Олий тоифали механикларга эга бўлган, мусобақа вақтидан усталик билан фойдаланган, пойганинг ҳар бир босқичида ажойиб тактик режа асосида ҳаракат қилган «Бенеттон» командасига омад кулиб боқди. Бу билан келгуси мавсумга пухта замин яратилди. Команда таркибида Герхард Бергер (6-ўрин) ва Жан Алези (5-ўрин) каби моҳир спортчилар қатнашади. Бироқ, 1993 йилги моделдаги «Бенеттон В 195» шассиси эндиликда эскирди ва қудратли «Рено У 10» моторига дош бермаяпти. Ҳозир пилотлар ана шу шассидан фойдаланишмоқда.

Немис спортчиси Михаэл Шумахер («Бенеттон» командасидан) жаҳоннинг энг яхши пойгачиси номига сазовор бўлди, энди у «Феррари» командаси таркибида қатнашади. 26 ёшли бу пилот 102 очко тўплаб, жаҳоннинг икки карра (1994-1995 йиллар) чемпиони бўлди.

Френк Уилямс командаси 112 очко жамғариб, иккинчи ўринни эгаллади. Инглизларнинг етакчи пилоти Дэмон Хилл мавсумда 69 очко жамғарди ва чемпионатда унга иккинчи ўрин насиб этди. 35 ёшли ветеран бўлғуси мусобақаларда ғолибликни қўлга киритишга аҳд қилган. У Аделаидадаги мусобақаларни дуруст якунлади ва ғалабага эришди. «Уилямс» командаси конструкторлар кубогини қўлга киритиш учун мустаҳкам замин яратди.

«Феррари» командаси 1996 йилда ўтказиладиган пойгада бош совринни олиш учун ҳаракат қилади, албатта. Унинг таркибида жаҳон чемпиони Шумахернинг иштирок этиши бу ниятга эришишни осонлаштираётгандек кўринади. Ўтган мавсумда италиялик «Бенеттон» ва «Уилямс» командалари билан дуруст беллаша олмадилар ва 73 очко билан учинчи ўринни эгалладилар.

Шотландиялик пойгачи, 24 ёшли Дэвид Култхард 49 очко жамғариб, ўтган йилги мусобақада учинчи ўринга кўтарилди. Дэвид «Уилямс» жамоаси таркибида қатнашди, энди эса у «Макларен» шарафини ҳимоя қилади.

«Макларен» командаси чемпионатда гарчи камтарона ўринни эгаллаган бўлса-да (4-ўрин, 30 очко),иккинчи эшелон командалари ҳамон унга бас кела олмаяпти. Жамоа таркибида машҳур Ален Простнинг иштироки «Макларен»га муваффақият бағишлайди. Автомобил синовчилари гуруҳининг раҳбари сифатида у пойгачиларнинг «профессори» ҳисобланади. А.Прост «Формула» пойгасида бир неча бор ғолибликни қўлга киритгани маълум.

«Автомобиллар оламида» рукни остида кейинги сафар сиз жаҳоннинг етакчи автомобилсозлари яратган янгиликлар билан танишасиз.

Ф. МАДИНИ.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА БАРЧА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА

Меҳнаткашларни соғломлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги бошқармада 1996 йил учун қуйидаги санаторий, дам олиш уйларига йўлланмалар мавжуд:

Ессентукидаги «Қозоғистон» санаторийсига (овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари, модда алмашинувининг бузилиши).

Кисловодскдаги «Ўзбекистон» санаторийсига (сил касалликлари тоифасига кирмаган нафас олиш органлари касалликлари),

Ялтадаги «Ўзбекистон» санаторийсига (юрак томир касалликлари),

Сочидаги «Белорусь» санаторийсига (юрак-асаб касалликлари),

Алматидаги «Алатау» санаторийсига (кўптармоқли),

Алматидаги «Алмати» санаторийсига (юрак-томир касалликлари системаси, асаб касалликлари).

Боровоедаги «Оқ-Житпес» санаторийсига (сил касалликлари тоифасига кирмаган нафас олиш органлари касалликлари),

Боровоедаги «Золотой Бор» дам олиш уйига,

Алматидаги «Турксиб» кўп тармоқли санаторийсига,

Тошкентдаги Ўзбекистон санаторий-курорт кенгашининг «Чинобод» санаторийсига (овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари),

Тошкентдаги Ўзбекистон санаторий-курорт кенгашининг «Турон» санаторийсига (юрак-томир системаси касалликлари),

Ўзбекбирлашувнинг «Хумсон» санаторийсига (юрак - асаб касалликлари),

Тошкент вилоятидаги Ўзбекбирлашувнинг «Тошкент минерал сувлари» санаторийсига (овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари),

Тошкент вилоятидаги Ўзбекистон санаторий-курорт кенгашининг «Ботаника» санаторийсига (овқат ҳазм қилиш органлари, асаб касалликлари),

Тошкент вилоятидаги Ўзбекистон санаторий-курорт кенгашининг «Бўстон» санаторийсига (қон айланиш системаси, асаб, буйрак касалликлари),

Тошкент вилоятидаги Ўзбекистон санаторий-курорт кенгашининг «8 март» санаторийсига (аёлларнинг гинекологик касалликлари),

Тошкентдаги кўп тармоқли «Семурғ» санаторийсига (буйрак ва ўт пуфаги, сийдик тош касаллиги, қандли диабет касалликлари. Бу ерда Трусковецнинг «Нафтуся» типидаги маъданли сув билан даволанади),

Фарғона вилоятидаги Ўзбекистон темир йўллари бошқармасининг кўп тармоқли «Чимён» санаторийсига,

Бухородаги «Ситораи Моҳихоса» санаторийсига (буйрак, таянч ҳаракат органлари касалликлари),

Тошкент вилоятидаги кўп тармоқли «Янгийўл» санаторийсига,

Қозоғистон санаторий-курорт кенгашининг «Сариоғоч» санаторийсига (овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари),

Қирғизистондаги кўп тармоқли «Киргизское взморье» санаторийсига

Қирғизистондаги «Мовий Иссиққўл» санаторийсига (юрак-асаб касалликлари, сил касалликлари тоифасига кирмаган нафас олиш органлари касалликлари),

Қирғизистоннинг Иссиққўл соҳилларидаги «Дилором»,«Роҳат» дам олиш уйларига,

Самарқанддаги Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг «Зарафшон» санаторийсига (юрак-асаб касалликлари),

Тошкентдаги «Ўзколхоздравница»нинг «Ўзбекистон» («Искра») санаторийсига (овқат ҳазм қилиш органлари, жинсий пешоб йўллари касалликларини даволаш),

Тошкент вилоятидаги «Зангиота» санаторийсига (овқат ҳазм қилиш органлари, жинсий пешоб йўллари касалликларини даволаш),

Қирғизистондаги «Жети-Огуз» санаторийсига (суякмускул системалари, гинекология, тери, марказий ва переферик асаб системалари билан оғриган беморлар учун),

Трусковецдаги «Молдава» санаторийсига (пешоб йўллари касалликларини даволаш),

Кўптармоқли «Навбаҳор» санаторийсига,

Қирғизистондаги Иссиққўл соҳилларига жойлашган «Чўлпонота» ва «Алатау» дам олиш уйларига,

Телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитасининг «Оқтош» ижодкорлар уйида 12 кунлик дам олишга,

Шунингдек, халқ истеъмол молларини таклиф этамиз.

Мурожаат учун:
Телефонлар: 33-80-20, 33-11-30, 33-59-17.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «ШЭР» масъулияти чекланган жамият ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

ИШОНЧ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Саидакром САИДВАЛИЕВ

Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89
Масъул котиб — 56-52-78

БЎЛИМЛАР

Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79. Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар —56-87-78, 56-87-63. Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10. Бухорода — 3-50-10. Гулистонда — 2-24-98. Жиззахда —3-82-18. Навоийда —3-41-99. Наманганда — 6-22-10. Нукусда — 2-44-46. Самарқандда — 35-64-22. Термизда — 2-70-07. Тошкентда — 56-82-79. Фарғонада — 24-48-53. Урганчда — 6-03-40. Қаршида — 5-33-71.

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр- мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

- Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
- Сешанба ва жума кунлари чоп этилади.
- Сотувда эркин нархда.

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

- Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

- IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди Офсет усулида босилди. Формати А-2, ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Буюртма Г- 088. Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди 22.00. Масъул навбатчи: Носир ТОШЕВ. 1 2 3 4 5 6